

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК:338.45.67/68(575.16)

ҲАЙДАРОВА МАРЖОНАБОНУ АКМАЛОВНА

**Мамлакат иқтисодиётининг рақобатдошлигини ошириш шароитида
енгил саноат тармоғини ривожлантириш истиқболлари**

5A230102 – Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)

**магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация**

Илмий раҳбар:
и.ф.д., проф. Хушматов Н.С.

ТОШКЕНТ – 2014

МУНДАРИЖА

	бет
Кириш	3
1 боб Мамлакат иқтисодиётининг рақобатдошлигини ошириш шароитида енгил саноат тармоғини ривожлантириш назарий, услубий асослари.....	9
1.1. Мамлакат иқтисодиётининг рақобатдошлигини ва барқарорлигини таъминлаш асослари ва унда енгил саноатнинг ўрни ҳамда аҳамияти.....	9
1.2. Ўзбекистонда енгил саноатни ривожлантиришнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари ва давлат томонидан қўллаб-қувватланиши.....	23
Биринчи боб бўйича хулосалар.....	28
2 боб Ўзбекистон Республикаси енгил саноат тармоғи ва корхоналарини ривожланишининг ҳозирги ҳолати таҳлили.....	29
2.1. “Jasminabonu prestij servis” МЧЖнинг тавсифи ва ишлаб чиқариш-хўжалик фаолияти иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили.....	29
2.2. “Jasminabonu prestij servis” МЧЖ асосий ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги таҳлили.....	35
2.3. Ўзбекистон енгил саноати ривожланишининг ҳозирги ҳолати ва асосий натижалари таҳлили.....	47
Иккинчи боб бўйича хулосалар.....	59
3 боб Енгил саноатни барқарор ривожланишининг асосий йўналишлари ва истикболлари.....	61
3.1. “Jasminabonu prestij servis” МЧЖ фаолияти рентабеллиги кўрсаткичлари ва уларни яхшилаш йўналишлари.....	61
3.2. Енгил саноатда тўқимачилик маҳсулотларининг асосий турларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш.....	69
3.3. Енгил саноат таркибини такомиллаштиришнинг стратегик йўналишлари.....	72
Учинчи боб бўйича хулосалар.....	81
Хулоса ва таклифлар	82
Фойданилган адабиётлар	85

Кириш

Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.

Мамлакат иқтисодиётининг рақобатдошлигини ошириш шароитида енгил саноат миллий иқтисодиётнинг жадал ривожланаётган тармоқларидан бири ҳисобланади. Мустақиллик йилларида, айниқса, Президентимиз томонидан мазкур тармоққа қаратилаётган алоҳида эътибор туфайли Ўзбекистон нафақат пахта хом ашёси етиштирувчи, балки уни қайта ишлаш салоҳияти юксалиб бораётган давлатлар қаторидан жой олди.

Енгил саноат тармоғини ҳозирги пайтда товар ва хизматлар бозорининг ажралмас бир бутун бўлаги сифатида қараш мумкин. Енгил саноат миллий иқтисодиётни тармоқлари орасида халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқарувчи ва бозор муносабатлари тизимида аҳоли эҳтиёжларини қондирувчи энг катта тармоқ ҳисобланади. Ишлаб чиқаришга савдо буюртмалари, шартнома тизими орқали таъсир этиб, ўз хизматлари маҳсулотларини истеъмолчига савдо тўрлари, савдо шоҳобчалари орқали етказди. Бу билан енгил саноат, истеъмолчиларнинг ўз маҳсулотларига бўлган талабини қондиради. Талабни қондириш эса иқтисодиётнинг ҳаракатлантирувчи кучи, иқтисодий фаолиятни рағбатлантирувчи импульси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2013 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида 2013 йилда юқори технологияларга асосланган машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноати 121 фоизга, қурилиш материаллари саноати 113,6 фоизга, енгил саноат 113 фоизга ва озиқ-овқат саноати 109 фоизга ўсгани мисолида бунини яққол кўриш мумкин.

Телекоммуникация ускуналари, компьютер техникаси ва мобиль телефонлар, кенг турдаги маиший электроника маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган янги замонавий корхоналар ташкил этилмоқда.

Иқтисодийтимизнинг деярли барча тармоқлари модернизация қилиниб, амалда технологик жиҳатдан янгиланмоқда. Ана шундай ўзгаришлар натижасида ялпи ички маҳсулот таркибида саноатнинг улуши ҳозирги вақтда 24,2 фоиздан зиёдни ташкил этмоқда. Ҳолбуки, бу кўрсаткич 2000 йилда 14,2 фоиздан иборат эди.

“Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, 2014 йил саноат соҳасида юксак технологияларга асосланган ва замонавий муҳим объектлар ва қувватларни ишга тушириш, инвестицияларни ошириш ва такомиллаштириш йили бўлади.” – деб таъкидлаб ўтилди¹.

Тадқиқот объекти ва предметининг белгиланиши. Диссертация ишининг объекти Ўзбекистон Республикаси энгил саноат тармоқ корхоналари, шу жумладан “Jasminabonu prestij servis” МЧЖ ҳисобланади.

Диссертация ишининг предмети Ўзбекистон Республикасида энгил саноат тармоқларини ривожлантириш жараёнлари.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари. Диссертация ишининг мақсади мамлакат иқтисодийтининг рақобатдошлигини ошириш шароитида энгил саноат тармоғини ривожлантириш истиқболларини ўрганиш ва уни аниқ корхона мисолида таҳлил қилишдан иборат.

Диссертация ишида унинг мақсадидан келиб чиқиб қуйидаги вазифаларни ҳал қилиш кўзда тутилади:

- Энгил саноат тармоқларини ривожланишида истеъмол бозорининг ўрни ва иқтисодий аҳамиятини ўрганиш;
- Ўзбекистонда энгил саноатни ривожлантиришнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланишини таҳлил қилиш;
- "Jasminabonu prestij servis" МЧЖ нинг умумий тавсифини ёритиш;
- Мамлакатимизда энгил саноат маҳсулотларига бўлган талаб ва унинг қондирилиш ҳолатини таҳлил қилиш;
- Энгил саноатда тўқимачилик маҳсулотларининг асосий турларини

¹ И.Каримов. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. // Халқ сўзи, 2014 йил 18 январь.

ишлаб чиқаришни ривожлантириш усулларини ўрганиш;

- Енгил саноат маҳсулотларининг чет эл тажрибаси таҳлилини олиб боориш;

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари.

Иқтисодийнинг барқарорлигини таъминлаш асосларини ўрганиш, "Jasminabonu prestij servis" МЧЖнинг ишлаб чиқариш-хўжалик фаолияти иқтисодий кўрсаткичлари таҳлилини олиб бориш, енгил саноатнинг барқарор ривожланиш йўналишларини аниқлаш тадқиқотнинг асосий масалалари ҳисобланади. Тадқиқотлар жараёнида ишлаб чиқилган илмий тақлиф ва амалий тавсияларнинг амалиётда қўлланилиши "Jasminabonu prestij servis" МЧЖ фаолиятининг такомиллаштирилишига кўмаклашади.

Мавзу бўйича қисқача адабиётлар таҳлили. Йирик иқтисодчи олимлар томонидан иқтисодийни модернизациялаш ва рақобатдошлигини ошириш, енгил саноат корхоналари иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш муаммолари устида кўплаб тадқиқотлар олиб борилган. Бу масалаларга бағишланган жуда катта миқдордаги илмий ишлар, монография, рисоалар, мақолалар эълон қилинган, кўплаб номзодлик ва докторлик диссертациялари ёқланган. Саноат корхоналарини иқтисодий ривожланиши масалалари Президент И.А.Каримовнинг кўплаб асар ва маърузаларида кенг баён этилган². Узвий равишда мазкур масалалар Г.К.Саидова, Б.Ю.Ходиев, Ш.Ш.Шодмонов, У.В.Ғафуров, Х.П.Абулкасимов, А. Ортиқов, Э.Х. Махмудов, Н.Т. Абдукаримов, А.В.Ваҳобов, А.Ш.Бекмуродов каби олим ва мутахассисларнинг илмий тадқиқотларида ўз ифодасини топган³.

² Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.; Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. - Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль; Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. - Халқ сўзи, 2010 йил 28 январь; Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. // Халқ сўзи, 2010 йил 30 январь. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 56 б.; Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 48 б.

³ Саидова Г. Модернизация, техническое обновление и диверсификация производства, широкое

Тадқиқотда қўлланилган услубларнинг қисқача тавсифи.

Тадқиқот жараёнида тадқиқ этишнинг диалектик, илмий абстракция, математик, статистик усулларидан, гуруҳлаш ва қиёсий усулларидан фойдаланилди. Диссертация ишининг назарий ва услубий асослари бўлиб Президент асарларида, етакчи иқтисодчи олимлар ва мутахассисларнинг ушбу мавзуга оид илмий ишларида олдинга сурилган ғоялар, фикр ва мулоҳазалар хизмат қилади. Шуниндек, таҳлилларни амалга оширишда Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Президент фармон ва қарорлари, Вазирлар маҳкамасининг қарорлари ва бошқа идораларнинг меъёрий ҳужжатларига, қорхонанинг охириги уч йиллик ҳисобот материалларига асосланилади.

внедрение инновационных технологий – необходимое условие выхода Узбекистана на новые рубежи на мировом рынке / «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» мавзусидаги Республика илмий-амалий анжуманидаги тақдимот материаллари. – Т.: ТДИУ, 2009 йил 5 май; Ходиев Б.Ю., Шодмонов Ш.Ш., Ғафуров У.В. Мамлакатни жадал ислох этиш ва модернизация қилиш – миллий тараққиётимизнинг мантикий босқичи: Илмий-оммабоп рисола. – Т.: ТДИУ, 2008. – 53 б.; Бекмуродов А.Ш., Ғафуров У.В. Ўзбекистон иқтисодиёти модернизациялаш ҳамда ислохотларни чуқурлаштиришнинг янги ва юксак босқичи йўлида. – Т.: Иқтисодиёт, 2008. – 126 б. Абулқасимов Х.П. Приоритеты реформирования и модернизации экономики Республики Узбекистан. – Т.: Молия, 2010. – 84 с. А. Ортиков. Саноат иқтисодиёти. Дарслик. – Т.: ТДИУ, 2010й., 299 бет.; Махмудов Э.Х. Қорхона иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. –Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2005, – 208 б.; Махмудов Э.Х., Isoqov M.Yu. Biznes - rejalashtirish. O'quv qo'llanma. –Т.: O'zbekiston yozuvchilar uyushmasi Adabiyot jamg'armasi nashriyoti, 2005, – 160 б.; Н.Т. Абдукаримов ва бошқалар. Қорхонанинг иқтисодий салоҳияти таҳлили. Илмий монография Т.: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси”. НУ. 2010. – 256 б.; А.В.Ваҳобов ва бошқ. Молиявий ва бошқарув таҳлили: Дарслик. – Т.: “Шарқ”, 2010. – 480 б.; Б.Ю.Ходиев, А.Ш.Бекмуродов ва бошқ. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 120 б.; Б.Ю.Ходиев, А.Ш.Бекмуродов ва бошқ. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. - 2010. – 340 бет.; Б.Ю.Ходиев, А.Ш.Бекмуродов ва бошқ. Ўзбекистон Республикаси И.А.Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасидаги “Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. - 2011. – 312бет.; Б.Ю.Ходиев, А.Ш.Бекмуродов ва бошқ. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга қўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт. - 2012. – 282 бет.; А.В. Ваҳобов ва бошқ. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2012 йилнинг асосий якунлари ва 2013 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: “O'qituvchi” НМИУ. - 2013. – 372 бет.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти шундан иборатки, тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган назарий ва амалий таклифлар енгил саноат корхоналарининг фойдасини ошириб бориш имкониятларини кидиришда ёрдам беради. Улар қуйидагиларда намоён бўлади:

- мамлакат иқтисодиётининг рақобатдошлигини ва барқарорлигини таъминлаш шароитида енгил саноатнинг ўрни ҳамда аҳамиятини таҳлил этиш ўрганилган;
- "Jasminabonu prestij servis" МЧЖнинг ишлаб чиқариш-хўжалик фаолияти иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили амалга оширилган;
- "Jasminabonu prestij servis" МЧЖ фаолияти рентабеллиги кўрсаткичлари таҳлили амалга оширилган;
- корхона фаолияти рентабеллиги кўрсаткичлари ҳамда тўқимачилик маҳсулотларининг асосий турларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Илмий ишнинг тайёрлаш жараёнида мавжуд муаммоларни ўрганиш ва сабабий боғлиқликда таҳлил қилиш асосида қуйидаги янгиликларга эришилди:

- мамлакат иқтисодиётининг рақобатдошлигини ошириш шароитида енгил саноат тармоғини ривожлантиришнинг назарий, услубий асослари ёритилган;
- "Jasminabonu prestij servis" МЧЖ фаолияти рентабеллиги кўрсаткичлари таҳлил қилиниб, унинг даражасига баҳо берилди;
- енгил саноат тармоғининг барқарор ривожланиши ҳамда унинг асосий йўналишлари ва истиқболлари белгилаб берилди.

Диссертация таркибининг қисқача тавсифи. Диссертация иши кириш, 3та бобдан иборат асосий қисм, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар руйхатидан ташкил топган.

Диссертация ишининг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, ишнинг мақсади, вазифалари, объекти, назарий ва услубий асослари,

амалий аҳамияти ҳамда илмий янгиликлари ёритиб берилган.

Диссертация иши олдида қўйилган мақсадга эришиш учун ишнинг биринчи бобида мамлакатимиз энгил саноатининг аҳамияти, ривожланиш тенденциялари ва давлат томонидан қўллаб-қувватланиши ўрганилган.

Диссертация ишининг иккинчи бобида мамлакатни ислоҳ қилиш жараёнида Ўзбекистонда энгил саноатини ривожланиш даражаси ва тармоқ фаолиятининг асосий натижалари, энгил саноат маҳсулотларига бўлган талаб ҳамда энгил саноат корхоналарининг молиявий натижалари таҳлил қилган.

Илмий ишнинг учинчи бобида эса, Ўзбекистонда энгил саноатни барқарор ривожланишининг асосий йўналишлари "Jasminabonu prestij servis" МЧЖ мисолида асослаб берилган.

Диссертация ишининг хулоса қисмида мавзуни ўрганиш ва таҳлил натижасида келтирилган фикр ва мулоҳазалардан шаклланган асосли таклифлар берилган.

1 БОБ Мамлакат иқтисодиётининг рақобатдошлигини ошириш шароитида енгил саноат тармоғини ривожлантириш назарий, услубий асослари

1.1. Мамлакат иқтисодиётининг рақобатдошлигини ва барқарорлигини таъминлаш асослари ва унда енгил саноатнинг ўрни ҳамда аҳамияти

2013-йилнинг асосий якунлари ва 2014-йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги Президентимизнинг маърузасида 2014 йилдаги устувор йўналишлардан бирига тўхталиб “Бу ўринда сўз, биринчи навбатда, мамлакатимизда том маънодаги рақобат муҳитини шакллантириш ҳақида бормоқда.”-деб белгиланди⁴

Дунё мамлакатлари иқтисодий ривожланишнинг қайси моделини танламасин мамлакат иқтисодиётининг жаҳон хўжалигидаги мавқеи ва ўрни унинг рақобатбардошлик даражаси билан белгиланади. Халқаро иқтисодий рақобат техник тараққиётнинг энг муҳим омили ҳисобланади ва унинг таъсирида ишлаб чиқариш, бошқарув технологияларининг доимий янгиланиб бориш жараёни давом этади, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турлари янгиланади ва сифати ортиб боради.

Рақобатбардошлик деганда одатда товар ишлаб чиқарувчиларнинг минимал рентабелликни таъминловчи нархда ташқи бозорда сотиш учун ишлаб чиқаришга бўлган қобилияти тушунилади. Таъкидлаш лозимки, рақобатбардошлик товарлар бозори билан чекланиб қолмай, макроиқтисодий тавсифга эга ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек, “ўз-ўзидан аёнки, рақобатбардош иқтисодиётни шакллантирмасдан, пировард натижада эса рақобатбардош мамлакатни барпо этмасдан туриб, биз қабул қилган Мамлакатимизда демократик

⁴ И.Каримов. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. // Халқ сўзи, 2014 йил 18 январь.

ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида кўзда тутилган мақсадли вазифаларни амалга оширмасдан туриб, бу ҳақда жиддий сўз юритиш мумкин эмас”.⁵

Тарихан мамлакатларнинг рақобатбардошлиги концепцияси миллий иқтисодиётнинг халқаро меҳнат тақсимотидаги ўрнини белгилаб берувчи қиёсий афзалликлари (арзон ишчи кучи, бой табиий ресурслар, қулай географик жойлашув, иқлим, инфратузилма омиллари ва ҳ.к.) назариясига асосланган⁶.

Қиёсий афзалликлар мамлакатга табиатдан берилган бўлиб, улар абадий эмас ва такрор ишлаб чиқарилмайди. Ушбу рақобат афзалликлари фан ва техниканинг ривожланиши, ишлаб чиқариш билан интеграциялашуви, ишлаб чиқариш даражасида глобаллашуви ва товарни ишлаб чиқаришдан тортиб то уни истеъмолчига етказиб беришгача бўлган барча босқичларда инновацияларга асосланади.

Ўзбекистон қуйидаги қиёсий афзалликларга эга:

- қишлоқ хўжалиги ривожланиши учун қулай табиий-иқлим шароитларининг мавжудлиги;
- бой табиий ресурслар ва рекреация ресурсларига эгаллиги;
- бой маданий-тарихий меросга эгаллиги туризмни ривожлантириш имконини беради;
- мамлакатнинг қулай географик жойлашуви;
- Ўзбекистон аҳолисининг меҳнатсеварлиги ва тадбиркорлик қобилиятига эга бўлган меҳнат ресурсларининг мавжудлиги.

Ўзбекистоннинг рақобат жиҳатдан афзалликларини таҳлил қиладиган бўлсак, қуйидагиларни ажратиш мумкин:

- мамлакат сиёсий ва ҳуқуқий тизимининг барқарорлиги;

⁵ Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. -Тошкент.: “Ўзбекистон”, 2012. 20-б.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2012 йилнингасосий якунлари ва 2013 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: “O'qituvchi” НМИУ. - 2013. – 372 бет.

- инсонни ривожлантиришга (таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий эҳтиёжларга) катта қўйилмалар;
- аҳоли ўртача яшаш ёшининг узунлиги;
- меҳнат ресурсларининг рақобатбардошлиги;
- мамлакат аҳолиси таълим даражасининг юқорилиги.

Юқорида айтиб ўтилганидек, қиёсий афзалликларга эга бўлиш билан бирга республика миллий иқтисодиётининг рақобат афзалликларини ҳам ривожлантириш зарур. Мазкур ҳолатда иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида қуйидаги омилларга асосий эътиборни қаратиш лозим, хусусан: мамлакат сиёсий ва ҳуқуқий тизимининг барқарорлиги, меҳнат ресурсларининг рақобатбардошлиги ва мамлакат аҳолиси таълим даражасининг юқорилиги⁷.

Шундай қилиб, рақобат нуқтаи назаридан афзалликлар ўзгарувчан бўлиб, инсон капиталининг ривожланиши, инновацион юқори технологиялар, интеллект билан боғлиқ ва ўз табиатига кўра чексиздир. Мамлакатнинг қиёсий ва рақобат афзалликларини аниқ фарқлаш лозим. Бир мамлакатда қиёсий ва рақобат афзалликларининг интеграциялашуви унинг глобал иқтисодиётдаги рақобатбардошлигини кучайтиради.

Жаҳон иқтисодиётининг барқарор ривожланиш суръатларини таъминлаш, халқаро рақобатни вужудга келтиришнинг муҳим шарти дунё мамлакатлари иқтисодиётининг очиқлиги билан белгиланади. Ўзбекистон иқтисодиёти эркинлашуви чуқурлашиб, очиқлик даражаси ортиб жаҳон хўжалигига интеграциялашуви кучайиб бормоқда.

Баъзи иқтисодчиларнинг фикрича, иқтисодиётнинг очиқлик даражаси миллий ишлаб чиқаришнинг тармоқ таркибига боғлиқдир. Ишлаб чиқариш ҳажмининг умумий таркибида базавий тармоқлар улуши канчалик юқори бўлса, иқтисодиётнинг очиқлик даражаси шунчалик паст бўлади. Ушбу ҳолат базавий тармоқларнинг халқаро ихтисослашув

⁷ Ўзбекистон иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш муаммолари: назария ва амалиёт / Муаллифлар жамоаси: Р.О. Алимов, А.Ф. Расулев, А.М. Қодиров ва бошқалар // С.С. Фуломов таҳрири остида. –Т.: Konsauditinform-Nashr, 2006. 266.

жараёнига кам даражада жалб этилганлиги ва асосан ички бозорга йўналтирилганлиги билан изоҳланади.

Қайд этиб ўтилганидек, иқтисодиётнинг очиклиги халқаро иқтисодий рақобатнинг муҳим шарти ҳисобланади. Мамлакатларнинг рақобатбардошлиги қандай аниқланади ва у нималарга боғлиқ? Нима сабабдан баъзи мамлакатлар рақобатбардошлиги жиҳатидан бошқа мамлакатларга нисбатан илгарилаб кетган?

Рақобатбардошлик тушунчасига иқтисодий адабиётда фирмаларнинг мавжуд шароитда рақобатчиларига нисбатан баҳо ва баҳосиз тавсифига кўра товарларни лойиҳалаштириш, тайёрлаш ва сотиш борасидаги реал ва потенциал имкониятларидир дея таъриф берилади.

АҚШнинг Гарвард университети профессори М. Портер фикрича, мамлакатнинг рақобатбардошлиги даражасини унинг миллий компаниялари ишлаб чиқараётган маҳсулотлар, фирмалар, тармоқлар рақобатбардошлиги таъминлаб беради. Шунинг учун дастлаб мамлакат рақобатбардошлигини эмас, балки миллий компаниялар рақобатбардошлигини таҳлил этиш лозим. У мамлакат компанияларининг муваффақиятини таъминлаб берадиган қулай муҳитни яратиш қуйидаги тўртта муҳим кўрсаткичга боғлиқлигини таъкидлайди⁸:

- ишлаб чиқариш омиллари билан таъминланганлик;
- талаб кўрсаткичлари;
- яқин ва хизмат кўрсатувчи тармоқлар;
- рақобат муҳити ва фирма стратегияси.

Ушбу муҳит доирасидаги миллий компанияларнинг самарали фаолияти мамлакатнинг рақобатбардошлик рейтингини белгилаб беради.

Жаҳон амалиётида мутахассислар миллий иқтисодиётни рақобатбардошлигини аниқлаш учун 340 дан ортиқ кўрсаткичлар ва 100 дан ортиқ усуллардан фойдаланишади. Мамлакатнинг рақобатбардошлигини аниқлашда қуйидагилар асосий омиллар сифатида

⁸Портер М. Конкуренция. /Пер. с англ. - М.: Издательский дом "Вильямс", 2002. С. 176.

хизмат қилади: иқтисодий салоҳият ва иқтисодиётнинг ўсиш суръатлари; саноат ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги; илмий-техник тараққиётнинг ривожланиш даражаси ва уни ўзлаштириш суръатлари; халқаро меҳнат тақсимоотида қатнашиш; ички бозор ҳажми ва динамикаси; иқтисодиётда давлатнинг роли; молия тизимининг эгилувчанлиги; меҳнат ресурслари билан таъминланганлик ва малака даражаси; ички сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳолат; иқтисодиётнинг жаҳон бозори конъюнктураси талабига мослашиш даражаси ва қобилияти.

Мамлакатлар рақобатбардошлигини таҳлил этувчи халқаро тадқиқотлардан бири – бу Жаҳон иқтисодий форумининг методикаси ҳисобланади. Тадқиқот жараёнида мамлакатнинг иқтисодий ўсишини баҳолашда ўрта ва узоқ муддатли ривожланиш динамикасини тавсифловчи муҳим макро ва микроиқтисодий кўрсаткичлар асосида рақобатбардошликнинг агрегат индекслари ҳисобланади. Ушбу методика 30 йилдан буён қўлланилади ва унинг натижалари Жаҳон иқтисодий форумининг Глобал рақобатбардошлик тўғрисидаги маърузасида чоп этилади.

Мамлакатнинг рақобатбардошлигини баҳолаш кўп сонли маълумотларни йиғиш, гуруҳлаш, умумлаштириш асосида рақобатбардошлик кўрсаткичларини асосий омиллар бўйича ҳисоблашни кўзда тутди. Кейин барча омилларнинг рақобатбардошлик кўрсаткичига қўшган ҳиссасини акс эттирувчи агрегат индекс ва субиндекслар ҳисобланади. Замонавий миллий иқтисодиётни рақобатбардошлигини аниқлаш методикасида 12 та асосий омил ажратилади (1-расм).

Маълумки, жаҳон амалиётида мамлакатларнинг йиллар бўйича ижтимоийиқтисодий ривожланиши уларда ишлаб чиқарилаётган ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари орқали аниқланади. Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) – бу миллий иқтисодиётда муйян давр (масалан, бир йил) давомида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва кўрсатилган хизматларнинг бозор нархларидаги ифодасидир. ЯИМнинг ўсиш суръати одатда олдинги йилга




1-расм. Рақобатбардошлик кўрсаткичларининг гуруҳланиши⁹

нисбатан фоизларда ўлчанади. Жумладан, 2013 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти олдинги йилга нисбатан 8 фоизга ўсиб, унинг мутлақ ҳажми 119,0 трлн. сўмга тенг бўлди (2-расм).

2-расмдан кўринадики, мамлакатимизда ЯИМнинг ўсиш суръатлари барқарор тарзда бормокда. Агар ўртача ўсиш суръатлари 2000-2003 йилларда 4 фоиздан, 2004-2006 йилларда 7,3 фоиздан, 2007-2008 йилларда эса 9,2 фоиздан юқори даражада кузатилган бўлса, ушбу кўрсаткич

⁹The Global Competitiveness Report 2009-2010World Economic Forum. Geneva, Switzerland 2009. p. 8.



Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.
2-расм. Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг йиллар давомида ўсиш динамикаси, фоизда.

кейинги беш йил давомида 8,2 фоиздан юқори бўлмоқда. Албатта, бу ўринда дунёдаги мураккаб вазият — жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг рўй бериши, унинг жаҳондаги барча мамлакатлар, жумладан, Ўзбекистон иқтисодиётига ҳам салбий таъсирини эътибордан четда қолдирмаслик керак. Чунки, мамлакатимизда чуқур ўйланган ҳолда ишлаб чиқилган ҳамда изчил равишда олиб борилаётган самарали иқтисодий сиёсат глобал инқирознинг иқтисодиётимизга салбий таъсирини аҳамиятли даражада “юмшатиб”, шундай мураккаб шароитда ҳам ЯИМнинг юқори ва барқарор ўсиш суръатларини сақланиб қолишини таъминлади. Шунга кўра, агар жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози рўй бермаганида Ўзбекистондаги ўсиш

Мамлакатимиз ЯИМ ўсиш суръатларининг барқарорлигини таъминлашда иқтисодиётдаги етакчи тармоқларнинг юқори ўсиш суръатлари мустаҳкам замин тайёрламоқда (1-жадвал).

1-жадвалдан кўринадики, юқорида баён этилган мураккаб ва қийин шароитда ҳам иқтисодиётнинг асосий тармоқ ва соҳаларида иқтисодий ўсишнинг юқори ва барқарор суръатлари сақланиб қолмоқда. Жумладан, 2013 йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш умумий ҳажми 2012 йилга нисбатан 8,8 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 6,8 фоизга, кўрсатилган хизматлар ҳажми 13,5 фоизга ўсиб, унинг ЯИМ таркибидаги улуши 53,0 фоизни ташкил қилди.

Ўзбекистонда иқтисодиётнинг асосий тармоқ ва соҳаларидаги ўсиш
суръатлари, фоизда

Кўрсаткич	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2013 йил
Саноат ишлаб Чиқариши	12,1	12,7	9,0	8,3	6,3	7,7	8,8
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш	6,1	4,5	5,7	6,8	6,6	7,0	6,8
Чакана савдо Айланмаси	21,0	7,2	16,6	14,7	16,4	13,9	14,8
Аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш	20,6	21,3	12,9	13,4	16,1	14,2	13,5

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Ички талабни рағбатлантириш борасида амалга оширилган чоратadbирлар натижасида ўтган йилда чакана товар айланмасининг 2012 йилга нисбатан 14,8 фоизга ўсиши кузатилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгилаб берилган 2014 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифалари қуйидагилардир:

- Юқори суръатлар билан ўсиб боришини таъминлаш,бунинг учун мавжуд барча резерв ва имкониятларни сафарбар этиш борасида қабул қилинган стратегияни давом эттириш;

- Саноат соҳасида юксак технологияларга асосланган ва замонавий муҳим объектлар ва қувватларни ишга тушириш, инвестицияларни ошириш ва такомиллаштириш;

- Мамалкатда рақобат муҳитини шакллантириш;
- Ишбилармонлик – бизнес юритиш учун амалий қулай шароит туғдириб бериш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш;

- Ижтимоий соҳани ривожлантириш, иш жойларини шакллантириш ва аҳоли бандлитги, уй-жойлар қуриш ва аҳоли пунктларини ободонлаштириш, таълим-тарбия жараёнлари ва соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ этиш ва такомиллаштириш,

- “Соғлом бола йили” давлат дастурини изчил амалга ошириш;

Ўз-ўзидан равшанки, буларнинг барчаси иқтисодиётимизнинг юқори суръатлар билан барқарор ўсиб бораётгани ва мамлакатимизда рўй бераётган улкан ижобий ўзгаришлардан далолат беради.

Ўзбекистоннинг инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш борасида эришган ютуқлари нуфузли халқаро молия ташкилотлари ва иқтисодий институтлар, жумладан, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ва дунёнинг бошқа бир қатор етакчи молиявий институтлари томонидан эътироф этилди.

Хусусан, йил якунига кўра Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8,0 фоизни ташкил этди. Саноат маҳсулотларининг ўсиши 8,8 фоизга кўпайди. (2-жадвал).

2-жадвал маълумотларидан кўринадик, мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот қўшимча ўсиш суръати 2012 йилда 8,2 фоизни, 2013 йилда 8.0 фоизни ташкил этган. Саноат миллий иқтисодиётининг етакчи тармоғи ҳисобланади. Ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантиришда, аҳолининг фаровонлигини оширишда унинг аҳамияти беқиёсдир.

3-жадвалдан кўринадик, 2012 йилда юқори ўсиш суръатлари ёқилғи-хомашё тармоқлари (50,2%), қайта ишловчи тармоқлар (49,8%), ёқилғи (18,3%), машинасозлик ва металга ишлов бериш (17,0%) ва озиқ-овқат (14,0%) саноатида қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси макроиқтисодий кўрсаткичлар
(олдинги йилга нисбатан фоизда)

Асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар % да	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 Йил	2012 Йил	2013 йил
Ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши	9,5	9,0	8,1	8,5	8,3	8,2	8,0
Саноат маҳсулотнинг ўсиши	12,1	12,7	9,0	8,3	6,3	7,7	8,8
Хизмат кўрсатиш ҳажми	20,6	21,3	12,9	13,4	16,1	15,0	13,5
Чакана савдо айланмаси	21,0	7,2	16,6	14,7	16,4	13,9	14,8
Давлат бюджетининг бажарилиши	+1,1	+1,5	+0,2	+0,3	+0,4	+0,4	+0,3
Инфляция даражаси	6,8	7,8	7,4	7,3	7,6	7,0	6,8
Иқтисодиёт бўйича ўртача иш ҳақининг ошиши	44,2	40,0	40	32	26,5	26,5	20,8
Аҳоли жон бошига реал даромадларнинг ўсиши	27,0	23,0	26,5	23,5	23,1	17,5	16,0

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

**Саноат ишлаб чиқаришининг тармоқ тузилмаси
(жамига нисбатан фоизларда)**

Тармоқлар	2005	2010	2011	2012	2013	Тузилмавий ўзгариш 2013 й.	
						2005й. га нисбата н	2012й. га нисбата н
Саноат, жами	100	100	100	100	100	х	х
<i>Ёқилғи-хонашёр тармоқлари</i>	61,5	53,7	51,2	50,2	47,3	-14,2	-3,0
<i>Қайта ишловчи тармоқлар</i>	38,5	46,3	48,8	49,8	52,7	14,2	3,0
Электрэнергетика	11,3	8,1	8,0	7,9	7,5	-3,8	-0,4
Ёқилғи	16,2	19,8	17,5	18,3	15,8	-0,5	-2,6
Қора металлургия	2,3	2,4	2,6	2,4	2,4	0,1	-0,1
Рангли металлургия	17,1	10,9	10,4	10,0	9,5	-7,6	-0,5
Кимё ва нефт кимёси	5,2	5,1	5,5	5,3	5,4	0,2	0,2
Машинасозлик ва металга ишлов бериш	13,0	16,1	16,1	17,0	19,8	6,8	2,8
Қурилиш материаллари саноати	3,6	4,9	5,3	5,4	6,4	2,8	1,1
Енгил саноат *	16,6	13,3	13,5	12,9	13,0	-3,6	0,1
Озиқ-овқат саноати	8,2	12,8	14,0	14,0	14,0	4,9	-0,8
Бошқа тармоқлар	6,5	6,6	7,1	6,9	0,0	-0,9	-0,5
*Енгил саноат пахта тозалашдан ташқари	5,6	5,8	6,1	6,7	7,2	1,6	0,7
*Пахта тозалаш	11,0	7,6	7,4	6,2	5,8	-5,2	-0,5

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

Мамлакат иқтисодиётининг рақобатдошлигини ошириш шароитида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан тараққий эттириш ва шу асосда жамият аъзоларининг моддий ва маънавий фаровонлигини таъминлашда етакчи тармоқлардан бўлган енгил саноатни барқарор

ривожлантириш мавқеи жиҳатидан алоҳида ўрин эгаллайди.

Енгил саноат тармоғи ҳозирги пайтда товар ва хизматлар бозорининг ажралмас бир бутун бўлаги сифатида қараш мумкин. Енгил саноат миллий иқтисодиётни тармоқлари орасида халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқарувчи ва бозор муносабатлари тизимида аҳоли эҳтиёжларини қондирувчи энг катта тармоқ ҳисобланади. Ишлаб чиқаришга савдо буюртмалари, шартнома тизими орқали таъсир этиб, ўз хизматлари маҳсулотларини истеъмолчига савдо тўрлари, савдо шоҳобчалари орқали етказди. Бу билан енгил саноат, истеъмолчиларнинг ўз маҳсулотларига бўлган талабини қондиради. Талабни қондириш эса иқтисодиётнинг ҳаракатлантирувчи кучи, иқтисодий фаолиятни рағбатлантирувчи импульси ҳисобланади. Мамлақатимизда олиб борилаётган ташкилий ислохотлар ва улар олдида қўйилган вазифаларни амалга ошаётганининг аниқ далили сифатида, енгил саноат соҳасидаги кескин ривожланишни кўрсатишимиз мумкин.

Иқтисодий ва ижтимоий барқарорликни таъминлашда енгил саноат қатор муҳим функцияларни бажаради:

1. Енгил саноат товарларни ишлаб чиқариш ва уларни охирги истеъмолчига етказиш функциясини бажариб, пул айланмасининг ташкилотчиси ҳисобланади. Ўзида савдо жараёнлари бўлишига қарамай, бу ерда банк пул алмашинуви пайдо бўлади. Солиқлар ва тўловлар орқали бюджетга келадиган молиявий маблағлар иқтисодиётнинг бошқа тармоқларини ижтимоий жиҳатдан таъминлаб юборилади. Банк пул алмашинувини мустақкамлаш, бутун иқтисодиётни ривожланишига, барқарор фаолият кўрсатишга шарт-шароитлар яратиб беради.
2. Енгил саноат бошқа тармоқларни рентабел фаолият юритишини таъминлайди. Юқорида айтиб ўтилганидек, енгил саноат ўз маҳсулотларини истеъмолчига етказиб беради, бу билан у нафақат товар, ресурслар ва хизматларнинг айланмасини таъминлайди, балки

хом ашёлар айланмасини ҳам таъминлаб беради. Бу жараёнда иштирок этиб бошқа тармоқлар ҳам ўз фойдаларини оладилар.

3. Енгил саноат тармоғи аҳолига хизмат қилувчи, товар алмашинувини ва товар ишлаб чиқаришни ташкил қилувчи, жамиятга фойдали тармок бўлиб ҳисобланади. У аҳолининг енгил саноат маҳсулотларига бўлган талабини қондиради, истеъмол товарларига бўлган тўлов қобилиятининг ҳажмини, ишлаб чиқаришга бўлган эҳтиёжини аниқлайди, меҳнат жараёнларини фаоллаштиради.

Шундай қилиб, енгил саноат ижтимоий жараёнларга ўз таъсирини ўтказди ва муҳим ижтимоий масалаларни ечиб беради. Енгил саноатда аҳолининг ишсиз қисми ўз тадбиркорлик фаолиятини юргизиши ва бу билан банд бўлиши мумкин.

4. Енгил саноат тармоғи аҳоли эҳтиёжлари ва талабларига мақсадли хизмат кўрсатиш тизимини шакллантиради ва бунинг натижасида иқтисодий ўсишни, унинг ижтимоий йўналтирилганлиги ва бақарорлигини таъминлайди.
5. Енгил саноат тармоғи бозор ҳудудини кенгайтиради. Унинг доирасида халқаро, ҳудудий ва хўжалик алоқалари мустаҳкамланади.

Шундагина истеъмолчиларнинг ва мижозларнинг сони кўпаяди ва ишлаб чиқариш ҳажми ошади.

6. Енгил саноат тармоғи рақобатчилик муҳитини яхшилашга шароитлар яратади. Бозорда товарлар кўпайиши билан рақобат кўпаяди, бу эса товар сифатининг ва ассортиментининг ошишига ва истеъмолчиларнинг эҳтиёжини бутунлай қондиришга имкон беради. Ўз навбатида республика товар ишлаб чиқарувчилари товар бозорининг конъюнктурасини янада чуқурроқ ўрганадилар ва ишлаб чиқаришларини яхшилашга ҳаракат қиладилар¹⁰.

¹⁰ А.Ортиқов Саноат иқтисоди. Дарслик. Тошкент, ТДИУ, 2009-236 б.

Республикамизда катта хом-ашё базасининг мавжудлиги, саноат потенциалининг яратилганлиги, меҳнат ресурсларининг кераклиги микдордалиги, ҳамда ички истеъмол бозорининг талаблари Республикада йирик текстил саноатини яратишнинг зарур ва муҳимлигини талаб этмоқда. Бу эса тез суръатлар билан мамлакат енгил саноатнинг сифатли ривожланишни, минтакавий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишни ва Ўзбекистон Республикасининг бой хом-ашёсидан рационал равишда фойдаланишни жаҳон бозорига чиқишни ва мамлакат экспорт салоҳиятини оширишни муҳим вазифалардан этиб тайинламоқда. Енгил саноатнинг тез суръатлар билан ривожлантиришнинг асосий йўналишлари қуйидаги масалалар билан белгиланади:

- Республика аҳолисининг тўқимачилик маҳсулотларига бўлган талабини истеъмол нормасини илмий жиҳатдан асосланишига биноан, ҳамда бу маҳсулотларнинг қайсидир қисмини мамлакат ташқарисига олиб чиқиш билан максимал равишда қондириш;

- Маҳсулотларни ишлаб чиқаришда такомиллашган техника ва технологиялардан ва янги сифатли қўшимча маҳсулотлардан (бўёқлар, химикат, крахмал ва бошқалар) фойдаланган ҳолда маҳсулот сифатини ва ассортиментини ошириш;

- Ҳар бир иқтисодий минтақанинг хом-ашё ва меҳнат ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш;

- Юқоридаги масалаларни ҳал этишга четдан келадиган инвестицияларни жалб этиш;

- Республикада пахта хом ашёсини қайта ишлашни ошириш истеъмол бозорининг тайёр маҳсулотлар билан тўлдиришга, миллий даромаднинг кўпайишига, республика экспорт салоҳиятининг ошишига олиб келади.

Бундан ташқари, енгил саноатни Республиканинг иқтисодий салоҳияти паст минтақаларида ривожлантириш у ердаги аҳолини иш ўринлари билан таминлашга (айниқса аёлларни) ва иқтисодий жиҳатдан ўсишга эришиш имкониятини беради.

1.2. Ўзбекистонда енгил саноатни ривожлантиришнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари ва давлат томонидан қўллаб-қувватланиши

Енгил саноатни ривожлантиришда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ишларининг олиб борилиши жуда муҳимдир. Енгил саноатни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг асосий чоралари қуйидагилар ҳисобланади.

- ишлаб чиқариш инфраструктурасига тегишли объектларни, жумладан транспорт турини қуриш;
- хорижий инвесторга қонуний жиҳатдан кафолатни бериш;
- объект қуришда имтиёзли кредитлар билан таъминлаш;
- ер участкалари, минерал хом-ашёлари, ёқилғи-энергетика ресурслари ва сув ресурсларидан фойдаланиш учун имтиёзли шароитларни яратиб бериш;
- кадрларни тайёрлаш;
- маълум муддатга солиқ имтиёзларини бериш;
- имтиёзли ташқи савдо шарт-шароитлари билан таъминлаш ва ҳ.к;
- мақсадли давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Ўзбекистонда енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг муҳим омил ва йўналишларидан бири ҳисобланади. Ушбу соҳанинг имкониятларини, унинг мамлакатимиз салоҳиятини рўёбга чиқаришда тутган ўрнини биргина тўқимачилик саноати орқали ҳам тавсифлаш мумкин.

“Биринчидан, тўқимачиликнинг ўзи истикболда олиниши мумкин бўлган фойда самараси аҳамиятлилиги сабабли инвестициялар киритиш манфаатли бўлган тармоқ ҳисобланади.

Иккинчидан, ушбу соҳа бизнинг тўқимачилик бозоримизда ўз ривожланиш истикболларини кўра билган ва манфаатларини ҳисобга олган хорижий компаниялар билан йирик ва қизиқарли лойиҳаларни амалга ошириш имконини беради.

Учинчидан, бу тармоқ тўқимачилик маҳсулотлари, шу жумладан, пахта толасини етказиб бериб, бундан айниқса хорижий ҳамкорлар доимо манфаатдор бўлиб келганлар. Шунинг учун ушбу омиллар Ўзбекистон тўқимачилик тармоғини интенсив тараққиёт учун устувор ҳисобланган миллий иқтисодиётнинг биринчи бешта сектори қаторидан жой олишига имкон яратди”¹¹.

Ушбу тавсифий белгиларни мамлакатимиздаги енгил саноатнинг қолган тармоқлари – тикувчилик, ипакчилик ва чинни ишлаб чиқариш соҳаларига нисбатан ҳам татбиқ этиш мумкин бўлиб, улар қаторига қуйидаги тавсифий белги ва афзалликларни ҳам киритиш мумкин:

- мазкур тармоқнинг тарихан миллий иқтисодиётимиз учун анъанавий соҳалардан бири бўлиб келганлиги;
- енгил саноат учун хом ашё ва материаллар базасининг етарли даражада ривожланганлиги;
- тармоқда яратиладиган янги иш ўринлари қийматининг нисбатан пастлиги;
- иқтисодий ўсиш ва аҳоли даромадлари ошишининг дастлабки аломатлариданок унинг маҳсулотларига талабнинг ўсиши эластиклиги етарли даражада юқори, аксинча, иқтисодий пасайиш шароитида нисбатан пастлиги;
- тармоқ меҳнат сиғимининг юқорилиги бандлик ва аҳоли даромадларининг ўсиши учун қулай шарт-шароитлар яратиши;
- қўшилган қийматнинг юқори даражаси ва капиталнинг тез айланиши капитални жамғариш учун яхши шароитларни вужудга келтириши;
- тармоқ капитал сиғимининг нисбатан пастлиги унга кичик бизнес корхоналарининг кириши учун тўсиқларни пасайтириб, тармоқнинг ривожланиш жараёни ва рақобатли бозорнинг шаклланишини тезлаштириши;
- қайта тикланувчан хом ашё (жун, пахта, зиғирпоя толаси, ипак ва

¹¹ Салимова Г. Текстиль Узбекистана: производство, инвестиции, перспективы // Биржа. – №131, 21 октября 2008 г. – С.1-2.

х.к.) ресурсларидан фойдаланиш имконияти тегишли чекловлар ҳамда хом ашёга монопол юқори нархларнинг шаклланиши хавфини бартараф этиши;

- тармоқ валюта тушумлари ва давлат бюджети даромад қисми шаклланишининг, шунингдек, мувофиқ равишда давлат ижтимоий дастурларини амалга оширишнинг муҳим манбаи бўлиб ҳисобланиши ва ҳ.к.

Енгил саноат тармоғидаги эскирган асбоб-ускуналарни фойдаланишдан чиқариш – модернизациялашнинг муҳим йўналиши ҳисобланади.

Модернизациялаш жараёнининг ташкилий-иқтисодий асосини кўриб чиқишда унинг ҳар бир таркибий йўналишининг тутган ўрнини баҳолаш муҳим ҳисобланади. Умуман олганда, модернизация жараёнининг ҳар бир йўналишнинг қўлланиши унинг мазмунида турлича аҳамият касб этади. Қолаверса, ҳар бир йўналишни тараққиётнинг дастлабки палласидан бир хилда қўллаб, амалга ошириш мумкин эмас.

Мамлакатимиз жаҳон тўқимачилик бозорининг энг фаол иштирокчиларидан бири ҳисобланади. Давлатимиз раҳбари томонидан юритилаётган пухта ўйланган иқтисодий сиёсатнинг изчил амалга оширилиши туфайли мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатбардошлиги, жумладан, миллий пахта ва тўқимачилик комплекси самарадорлигини ошириш, пахта толасидан юқори кўшимча қийматга эга сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳамда экспорт таркибида унинг улушини кўпайтириш ҳисобидан йилдан-йилга ортиб бормокда¹²

Ўзбекистонда ривожланган бозор иқтисодиётини шакллантириш ва уни юқори кўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтириш давомида тўқимачилик саноати ҳам изчил ривожланиб, янги корхоналар ишга туширилаётгани, уларнинг ишлаб чиқариш қуввати ортиб бораётганини таъкидлаш лозим.

¹² <http://uza.uz/>

Юртимизда қабул қилинган, 2011-2015-йилларда саноатни устувор даражада ривожлантириш дастури ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир тармоқ дастурларининг изчил амалга оширилиши натижасида саноат таркибида юқори кўшимча қийматга эга бўлган, рақобатдош маҳсулотлар тайёрлаётган қайта ишлаш тармоқларининг ўрни тобора ортиб бормокда. Бугунги кунда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг 78 фоиздан ортиғи айнан ана шу тармоқлар ҳиссасига тўғри келмокда.¹³

Мамлакатимизда 2,2 мингдан ортиқ енгил саноат корхонаси фаолият кўрсатмокда. Уларнинг 280 дан ортиғи “Ўзбекенгилсаноат” давлат акциядорлик компанияси таркибига киради. Шу билан бирга кўшма корхоналар сони ҳам кўпаймокда. 2015-йилга мўлжалланган енгил саноатни ривожлантириш дастурига мувофиқ соҳага енг замонавий технологиялар жорий этилмокда, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турлари ҳар йили 20 дан ортиқ турга кўпаймокда. Бугун Ўзбекистонда тайёрланаётган тўқимачилик маҳсулотлари дунёнинг 40 дан зиёд давлатига экспорт қилинмокда. Талаб эса яна ошмокда.

Мамлакатимизда қулай инвестиция ва ишбилармонлик муҳити яратилгани сабабли тўқимачилик саноатига инвестициялар, шу жумладан, хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳажми ошмокда. Бу эса фаолият кўрсатаётган корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни жадаллаштириш, хорижий ишлаб чиқарувчилар билан муваффақиятли рақобатлаша оладиган янги замонавий корхоналарни ташкил этиш имконини бермокда.

Тармоқ стратегиясини белгиловчи меъёрий ҳужжатлар қуйидагилар:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 15 декабрдаги ПҚ-1442-сонли қарори - «Ўзбекистон Республикаси саноатни 2011-2015 йилларда ривожлантириш Дастури тўғрисида»;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 мартдаги

¹³ <http://www.uzapi.gov.uz/>

ПҚ-1512 -сонли қарори – «Тўқимачилик саноати корхоналарини жадал ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чоралар тўғрисида».

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 4 октябрдаги ПҚ-1623-сонли қарори – “Янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ва ишлаб чиқариш ҳажмларини кенгайтириш бўйича бирламчи чора-тадбирлар тўғрисида”.

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 ноябрдаги ПҚ-1855–сонли қарори «2013 йилга мўлжалланган Давлат инвестиция дастури тўғрисида» (2013 йил давомида 16 лойиҳалар бўйича 148 млн.долл. миқдорида инвестициялар ўзлаштирилиши кутилмоқда).

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 2-августдаги 234-сонли қарори - «2012-2015 йилларда ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва ноозик-овқат маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида».

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 6 майдаги ПҚ-1333-сонли қарори – “Қурилиши тугалланмаган “Қўқон тўқимачилик комбинати” давлат корхонаси негизида замонавий тўқимачилик ишлаб чиқаришни ташкил этиш чоралари тўғрисида”.

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 21 февралдаги ПҚ-1484-сонли қарори – “Замонавий тўқимачилик ускуналари ишлаб чиқаришни ташкил этиш чоралари тўғрисида” (“Ритер Ўзбекистон” ХК жорий йилнинг октябрь ойидан ўз фаолиятини бошлади).

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 2 майдаги ПҚ-1748-сонли қарори – “Наманган вилоятидаги “VODIY IPAGI” МЧЖ негизида ипакчилик комплекси ташкил этиш чоралари тўғрисида”.

Давлат томонидан енгил саноатни куллаб кувватлашлар келгусида енгил саноатнинг янада барқарор ривожланишига омил булади.

Биринчи боб бўйича хулосалар

Енгил саноат мамлакатимиз иқтисодиётининг жадал ривожланаётган етакчи тармоқларидан бири ҳисобланади. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон нафақат пахта хом ашёси етиштирувчи, балки уни қайта ишлаш салоҳияти юксалиб бораётган давлатлар қаторидан жой олди.

Енгил саноат тармоғи ҳозирги пайтда товар ва хизматлар бозорининг ажралмас бир бутун бўлаги сифатида қараш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2013 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида “2013 йилда юқори технологияларга асосланган машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноати 121 фоизга, қурилиш материаллари саноати 113,6 фоизга, енгил саноат 113 фоизга ва озиқ-овқат саноати 109 фоизга ўсгани мисолида буни яққол кўриш мумкин.

Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлик даражаси унинг табиий ресурс салоҳияти, меҳнат ресурсларининг сони ва сифати (малака даражаси), ишлаб чиқаришнинг техник-технологик модернизациялашганлик даражаси, иқтисодиёт таркибий тузилишининг такомиллашганлиги ва диверсификациялашганлиги, бизнес юритиш учун яратилган шарт-шароитларнинг қулайлиги, мамлакат корхоналарида ишлаб чиқариладиган маҳсулотларга бўлган талаб ҳажми, давлатнинг иқтисодий ривожланиш ҳамда ислохотлар стратегияси қай даражада илмий асосланганлиги ва ўзгаришлар жараёнларини ҳисобга олганлиги ҳамда бошқа бир қанча омилларга боғлиқ деб хулоса қилиш мумкин.

Шундай қилиб, рақобат нуқтаи назаридан афзалликлар ўзгарувчан бўлиб, инсон капиталининг ривожланиши, инновацион юқори технологиялар, интеллект билан боғлиқ ва ўз табиатида кўра чексиздир.

2 БОБ. Ўзбекистон Республикаси енгил саноат тармоғи ва корхоналарини ривожланишининг ҳозирги ҳолати таҳлили

2.1. «Jasminabonu prestij servis» МЧЖнинг тавсифи ва ишлаб чиқариш-хўжалик фаолияти иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили

«Jasminabonu prestij servis» масъулияти чекланган жамияти 12.02.2006 ташкил этилган бўлиб 03.08.2013 йилдаги 452-реестр рақами билан оилавий корхона сифатида Бухоро вилояти Бухоро шаҳар Хокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини руйхатга олиш инспекцияси томонидан қайта руйхатдан ўтказилди.

Корхонанинг юридик манзили: Бухоро вилояти Бухоро шаҳар К.Маркс кўчаси 2-мўйилиш 23-уй.

«Jasminabonu prestij servis» оилавий корхонанинг асосий фаолият тури: Ип газлама саноати.

Корхонанинг қўшимча фаолият турлари:

Тўқимачилик ва трикотаж саноати учун йигирилган ип, хом ва тайёр ип газламалар, техник газламалар, момиқ, пахтали ватин ва иплар ишлаб чиқариш;

Трикотаж саноати;

Тўқувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотиш;

Текстил маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш;

Тикувчилик фаолиятини ташкил қилиш;

Тикувчилик, тўқувчилик, зардўзлик ва патдўзлик фаолияти;

Чакана савдо фаолияти;

Савдо-харид ва савдо-воситачилик фаолияти;

Экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш.

Ташқи иқтисодий алоқаларни амалга ошириш кабилар ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида тақиқланмаган барча фаолият турлари ва шу йуллар билан даромад олиш корхонанинг асосий максадидир.

Ҳозирда корхонада асосан бўз маҳсулоти ишлаб чиқарилади.

Жамият устав фонди (устав капитали) унинг иштирокчилари улушларининг номинал қийматларидан таркиб топади.

Жамият устав фондининг (устав капиталининг) миқдори жамиятни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳужжатларни тақдим этиш санасидаги ҳолатга кўра қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан кам бўлмаслиги лозим.

Корхонанинг Устав Фонди 8 000 000 (саккиз миллион) сўмдан иборат бўлиб, таъсисчиларнинг улушига қараб қуйидаги миқдорда тақсимланган:

Шодмонов Истам Гайбиллоевич улуши 50,0 фоиз ёки 4 000 000 (тўрт миллион) сўмдан иборат;

Шодмонов Ихтиёр Истамович улуши 50,0 фоиз ёки 4 000 000 (тўрт миллион) сўмдан иборат;

Жамият иштирокчиси улушининг миқдори унинг улуши номинал қиймати билан жамият устав фондининг (устав капиталининг) нисбатига тенг бўлиши керак.

Жамият иштирокчиси улушининг ҳақиқий қиймати жамият соф активлари қийматининг унинг улуши миқдorigа мутаносиб бўлган бир қисмига мос бўлади.

Пул, қимматли қоғозлар, ўзга ашёлар ёки мулкxий ҳуқуқлар ёхуд пул баҳосига эга бўлган бошқа шахсга ўтказиладиган ўзга ҳуқуқлар жамиятнинг устав фондига (устав капиталига) қўшиладиган ҳиссалар бўлиши мумкин.

Жамият йилнинг ҳар чорагида, ярим йилда бир марта ёки бир йилда бир марта ўзининг соф фойдасини жамият иштирокчилари ўртасида тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир. Жамиятнинг жамият иштирокчилари ўртасида тақсимланадиган фойдаси қисмини аниқлаш тўғрисидаги қарор жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

Жамият фойдасининг унинг иштирокчилари ўртасида тақсимлаш

учун мўлжалланган қисми уларнинг жамият устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларига мутаносиб равишда тақсимланади.

Жамият иштирокчилари қуйидагиларга ҳақлидирлар: жамиятнинг ишларини бошқаришда иштирок этиш; жамиятнинг фаолияти тўғрисида ахборот олиш ҳамда унинг бухгалтерия дафтарлари ва бошқа ҳужжатлари билан танишиш; фойдани тақсимлашда иштирок этиш; жамиятнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) ўз улушини ёхуд унинг бир қисмини ушбу қонунда ва жамиятнинг уставида назарда тутилган тартибда мазкур жамиятнинг бир ёки бир неча иштирокчисига сотиш ёки ўзга тарзда уларнинг фойдасига воз кечиш; жамият бошқа иштирокчиларининг розилигидан қатъи назар исталган вақтда жамиятдан чиқиш; жамият тугатилган тақдирда, кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилинганидан кейин қолган мол-мулкнинг бир қисмини ёки унинг қийматини олиш.

Жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши жамият бошқарувининг олий органи ҳисобланади. Жамиятнинг уставида жамиятнинг кузатув кенгашини тузиш назарда тутилиши мумкин. Жамиятнинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижро этувчи органи томонидан ёки жамиятнинг коллегиял ижро этувчи органи томонидан амалга оширилади. Жамиятнинг ижро этувчи органи жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишига ва, агар тузилиши жамиятнинг уставида назарда тутилган бўлса, жамиятнинг кузатув кенгашига ҳисобдордир.

Жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижро этувчи органи (директор) жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши томонидан жамиятнинг уставида белгиланган муддатга сайланади. Жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижро этувчи органи унинг иштирокчилари бўлмаганлар орасидан ҳам сайланиши мумкин.

**“Jasminabonu prestij servis” МЧЖ нинг 2011-2013 йилларда ишлаб
чиқариш-хўжалик фаолияти кўрсаткичлари**

Кўрсаткичлар		2011 й.	2012 й.	2013 й.	Ўзгариш 2013й.да 2011й.га нисбатан, %
Товар маҳсулот ҳажми	Минг сўм	900192	1044540	1143312	127
Сотиш ҳажми (соф тушум)	Минг сўм	840948	1032180	1116192	132
Ишлаб чиқариш харажатлари	Минг сўм	624276	726144	888276	142
Маҳсулот сотишнинг ялпи фойдаси	Минг сўм	216672	306036	229516	105
Асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати	Минг сўм	493492	508272	615072	124
Айланма маблағларнинг ўртача йиллик қиймати	Минг сўм	391800	543894	584504	149
Йиллик иш ҳақи фонди	Минг сўм	72240	118230	192360	266
Ишловчилар сони	Киши	28	35	50	178
Шу жумладан: Ишчилар	Киши	24	30	44	183
Ўртача иш ҳақи	Сўм	215000	281500	320600	149
Фонд қайтими	Сўм	1.8	2.05	1.86	103
Солиқ тўлагунга қадар фойда	Минг сўм	156300	203868	214128	137
Соф фойда	Минг сўм	48300	83839	106257	220
Ишлаб чиқариш харажатлари рентабеллиги	%	7.7	11.5	11.9	-

Манба: Корхона ҳисоботлари асосида ишлаб чиқилган

4-Жадвал маълумотларидан кўринадикки корхонанинг 2011-2013 йиллардаги ишлаб чиқариш-хўжалик фаолияти кўрсаткичлари асосан ўсиш тенденциясига эга. Товар маҳсулот ҳажми 2013 йилда 2011 йилга

нисбатан 127 % га ортган. Худди шундай ҳолат сотиш ҳажмида ҳам кузатилади, лекин унинг ўсиш суръати юқорироқ бўлиб 132%ни ташкил этади. Бунга асосий сабаб сифатли хомашёдан фойдаланиш ва маркетинг, сотиш ишларидаги муваффақиятлардир.

Сотилган маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари кўрсаткичлариги ўзгариш ҳам ўсиш характериға эға бўлиб, у давр охирида 2011 йилға нисбатан 142%гача ортган, лекин бу ишлаб чиқариш ҳажмининг ортишидан сал кўпроқдир, бу маҳсулотға сифатли хомашё ишлатилиши ҳисобига юзаға келган, буни камайтириш чораларини кўриш лозим. Юқоридаги ҳолат маҳсулот сотишнинг ялпи фойдасини катта бўлмаган, яъни 105%ға ортишиға сабаб бўлган.

Корхонанинг ишлаб чиқариш фондлари таҳлил даврида кўпайган бўлиб, асосий воситалар 124%гача кўпайган. Ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши ва иш турининг кўпайиши ҳисобига корхонада ишловчилар сони давр бошиға нисбатан 178 %ға ўсган ва ўртача ойлик иш ҳақи 149%ға ошган. Ишчилар сони 183%ға ортган. Фонд қайтими кўрсаткичи ижобий ўсишға эға ва давр охирида 103%ға ортган.

Энг асосий молиявий кўрсаткич соф фойданинг миқдори 220 %ға ўсган бўлиб, бунга асосий сабаб маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши ҳисобланади. Ишлаб чиқариш харажатлари рентабеллиги давр охирида 4.2 фоиз пунктға ортган. Умуман, “Jasminabonu prestij servis” МЧЖ нинг 2011-2013 йилларда ишлаб чиқариш-хўжалик фаолияти кўрсаткичларини ижобий баҳолаш мумкин.

Маҳсулот таннархини ифодаловчи кўрсаткичлардан энг муҳими, бир сўмлик товар маҳсулоти учун қилинган харажатдир. Бу кўрсаткич тийин ҳисобида қуйидагича аниқланади:

$$\begin{array}{lcl} \text{Бир сўмлик товар} & & \text{Ишлаб чиқариш таннархи} \\ \text{маҳсулоти учун} & = & \text{-----} \\ \text{қилинган харажат (тийин)} & & \text{Товар маҳсулотининг улғуржи баҳоси} \end{array}$$

Бу кўрсаткич орқали қилинган харажатларнинг самарадорлигини аниқлаш мумкин.

Таҳлил этишда бир сўмлик товар маҳсулоти учун қилинган харажатлар динамикаси, олдинги йилларга нисбатан ўзгариши аниқланади.

5- ж а д в а л

Корхонада бир сўмлик товар маҳсулоти учун қилинган харажатлар таҳлили

Кўрсаткичлар	2011йил	2012йил	2013йил	2013 йили 2011йилга нисбатан%
1. Маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг ишлаб чиқариш таннари, минг сўмда	624276	726144	888276	142
2. Товар маҳсулотининг солиштирма улгуржи баҳоси, минг сўмда	840948	1032180	1116192	132
3. Бир сўмлик товар маҳсулоти учун қилинган харажатлар, тийин ҳисобида	89	84	95	106

Манба: Корхона ҳисоботлари асосида ишлаб чиқилган

5 ва 6-жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, биз таҳлил қилаётган корхонада ишлаб чиқарилган товар маҳсулотининг ҳар сўми учун қилинган харажат 2013 йилда 95 тийинни ташкил этиб, 2012 йилга нисбатан 11 тийинга ёки 13 %га, бизнес режага нисбатан эса 13 тийинга ёки 15 %га кўпайган. Харажатларнинг бундай тартибда ортиши корхонанинг рентабеллигини пасайтириб юборади. Ўрганилаётган даврда ҳар бир сўмлик товар маҳсулоти учун қилинган харажат бизнес режага нисбатан 13 тийинга ортиши ҳисобига, корхона бўйича ортиқча 115476 минг сўмлик харажат қилинишига йўл қўйилган. Агарда корхона

Бир сўмлик товар маҳсулоти учун қилинган харажатларни пасайтириш
бўйича бизнес режасининг бажарилиши таҳлили

Кўрсаткичлар	Сумма
1	2
1. Бир сўмлик товар маҳсулоти учун қилинган харажатлар, тийин ҳисобида:	
— 2013 йил	95
— 2012 йил:	
• Бизнес режа бўйича	82
• Ҳақиқатда	84
2. 2012 йилдан фарқи:	
• тийин ҳисобида	+ 11
• фоиз ҳисобида	+13
3. Режадан фарқи:	
• тийин ҳисобида	+ 13
• фоиз ҳисобида	+15
Бир сўмлик товар маҳсулоти учун қилинган харажатдан олинган иқтисод (-) ёки сарфланган ортиқча харажат, минг сўмда $+ 13 \cdot 888276/100$	+115476

Манба: Корхона ҳисоботлари асосида ишлаб чиқилган

ўрганилаётган даврда ҳар бир сўмлик маҳсулот учун ортиқча 13 тийин харажат қилинишига йўл қўймаганда эди корхонанинг оладиган даромади шунча сўмга ортган бўларди.

2.2. “Jasminabonu prestij servis” МЧЖ асосий ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги таҳлили

Корхона асосий воситаларининг турлар бўйича тузилмаси, кўп жиҳатдан капитал қўйилмаларнинг технологик тузилмаси орқали,

жумладан, уларнинг янги қурилиш ва қайта таъмирлаш, амалдаги ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва қайта қуроллантириш билан аввалдан белгилаб қўйилган бўлади. Асосий воситаларнинг турлар бўйича тузилмасига ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва концентрация қилиш даражаси ҳам катта таъсир ўтказади. Йирик корхоналар, ишлаб чиқаришни воситалар билан таъминлашда ва фан-техника тараққиёти ютуқларидан кенг фойдаланишда кичик ва ўрта корхоналарга қараганда кўпроқ имкониятга эга. Бироқ кичик корхоналар ҳаракатчанроқ, уларнинг бошқаруви мослашувчанроқ бўлиб, натижада ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан қайта қуроллантириш осонроқ кечади.

Асосий воситалар корхона ишлаб чиқариш воситаларининг бир қисми бўлиб, ишлаб чиқариш жараёнида узоқ вақт иштирок этади ва ўзининг натурал-моддий ҳолатини йўқотмайди ҳамда ўз қийматини тайёрланаётган маҳсулотларга қисмлаб ўтказиб беради. Асосий воситалар қийматини тайёрланаётган маҳсулотга ўтказиш жараёни амортизация деб, ушбу жараёнда тўпланган маблағлар эса амортизация ажратмалари деб аталади.

Корхонанинг актив асосий ишлаб чиқариш воситалари энг ҳаракатчан ва аҳамиятли ҳисобланади. Фан-техника тараққиёти давомида кўплаб корхоналарда актив ишлаб чиқариш воситаларининг салмоғи ортади, уларнинг таркиби ва кўриниши ўзгаради, асосий воситалар гуруҳ ва турларининг маънавий эскириш туфайли алмашилиш суръати тезлашади.

Асосий воситаларни ифодаловчи кўрсаткичлар иқтисодий салоҳият кўрсаткичлари ичида маълум даражада ўз ўрнига эга. Ушбу воситаларга хўжалик юритувчи субъектларнинг анча маблағи жалб қилинган бўлади. Мазкур маблағларнинг қайтими асосий воситалардан самарали фойдаланиш эвазига амалга оширилади.

Асосий воситалар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар¹⁴

Кўрсаткичларнинг номи	Нимани ифодалаши (мазмун)	Аниқланиш формуласи
1. Ав. Рентабеллиги	Ав. Ўртача қийма-тига нисбатан	$СФ*100 / Ав_{ўр},$
2. Ав. Даромадлилиги	Ав. ўртача қийматига неча фоиз даромад тўғри келишини кўрсатади	$Д*100/Ав$
3. Ав. Нативавийлиги(фонд қайтими)	1 сўм Ав. ўртача қийматига қанча миқдорда нативавий кўрсаткичнинг (сотилган маҳсулот, товар маҳсулоти, товар обороти ва ҳ.к.) тўғри келишини ифодалайди	$Q/Ав$

Асосий воситалардан (Ав) фойдаланиш самарадорлиги даражасидан умуман ишлаб чиқариш самарадорлиги келиб чиқади. Асосий воситалардан қанчалик кўп фойдаланса, шунчалик кўп маҳсулот чиқарилади, унинг таннарни арзонлашади, меҳнат самарадорлиги, фойда ва рентабеллик юқори бўлади.

1. Ав. рентабеллиги асосий воситаларнинг 1 сўмига тўғри келадиган фойда суммасини ифодалайди. У соф фойданинг асосий воситалар ўртача йиллик қийматига нисбати билан қуйидагича аниқланади:

$$Раф = СФ*100 / Ав_{ўр},$$

¹⁴ Абдукаримов И.Т. ва бошқалар. Корхона иқтисодий салоҳияти таҳлили. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2010, – 256 б.

бунда: Раф – асосий воситалар рентабеллиги;

СФ – соф фойда.

2011 йил $48300 * 100 / 493492 = 9.7 \%$

2012 йил $83839 * 100 / 508272 = 16.4 \%$

2013 йил $106257 * 100 / 615072 = 17.2 \%$

2. Асосий воситалар даромадлилиги

$$Ав.д = Д * 100 / Ав$$

2011 йил $216672 * 100 / 493492 = 43.9 \%$

2012 йил $306036 * 100 / 508272 = 60.2 \%$

2013 йил $229516 * 100 / 615072 = 37 \%$

3. Асосий воситалар натижавийлиги(фонд қайтими). Асосий воситалар маҳсулдорлиги таҳлил қилинаётган даврда (одатда, бир йилда) ишлаб чиқарилган (сотилган) маҳсулотнинг Ав ўртача йиллик қийматига нисбати шаклида қуйидаги формула орқали топилади:

$$Авм = М / Ав_{ўр},$$

бунда: Авм – асосий воситалар маҳсулдорлиги;

М – таҳлил қилинган даврда ишлаб чиқарилган (сотилган) маҳсулот ҳажми;

Авўр – асосий воситалар ўртача йиллик қиймати.

Бозор муносабатлари шароитида сотилган маҳсулот ҳажми хўжалик фаолиятини тўла ҳажмда акс эттиради. Фойда ва рентабеллик каби корхонанинг молиявий ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар ҳам ушбу кўрсаткичларга бевосита боғлиқдир. Шунинг учун Ав. маҳсулдорлигини ишлаб чиқарилган маҳсулот бўйича эмас сотилган маҳсулот ҳажми бўйича аниқлаш тўғри бўлади. Бунинг учун қуйидаги формула тавсия этилади:

$$АВМ=C/АВ_{\text{ўр}},$$

бунда: C – сотилган маҳсулот ҳажми.

2011 йил $840948/493492= 1.7$

2012 йил $1032180/508272= 2.03$

2013 йил $1116192/615072= 1.81$

8-жадвал

Асосий воситалар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили

Кўрсаткичларнинг номи	2011й.	2012й.	2013й.	2013й.да 2011й.га нисбатан фарқи
Ав. Рентабеллиги, %	9.7	16.4	17.2	+7.5
Ав. Даромадлилиги,%	43.9	60.2	37	-6.9
Ав. Натижавийлиги (фонд қайтими)	1.7	2.03	1.81	+0.11

Манба: Корхона ҳисоботлари асосида ишлаб чиқилган

8-жадвал маълумотларидан кўринадики, асосий воситалар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар ичида асосий воситаларнинг 1 сўмига тўғри келадиган фойда суммаси (рентабеллиги) 2011 йилда 9.7%ни ташкил этган бўлса, кейинги йилларда эса ортиб борган 2012йили 16.4% бўлса давр охирида 17.2%гача ортган. Буни ижобий баҳолаш мумкин. Асосий воситаларнинг 1 сўмига тўғри келадиган даромад суммасида эса юқори суръатлардаги ўсишни кузатиш мумкин эмас, бу ердаги камайиш давр охирда 6,9 %ни ташкил этган. Асосий воситаларнинг 1 сўмига тўғри келадиган ишлаб чиқарилган маҳсулот (фонд қайтими) суммасининг ўзгариши нотекис бўлиб бир маромда ушлаб турилмаган., 2012йилда кўпроқ ортиб 2.03гача ортган бўлса, 2013 йилда 1.81га тушиб қолган, умуман ўсиш давр бошига нисбатан 0.11 сўмга тўғри келади.

Айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги уларнинг айланиш тезлиги, даромадлилиги ва рентабеллиги билан, яъни айланма маблағларнинг 1 сўмига тўғри келадиган фойда миқдори билан белгиланади.

9-жадвал

Айланма маблағлар (Айм) самарадорлигини ифодаловчи
кўрсаткичларни аниқлаш йўллари¹⁵

Кўрсаткичларнинг номи	Нимани ифодалаши (мазмуни)	Аниқланиш формуласи
1. Айм.нинг айланувчанлиги, кунларда	Айм. Бир айланиш даврининг неча кунга тўғри келишини кўрсатади	$\text{Айм.Кс} / Q$ Кс – даврдаги кунлар сони
2. Айм.нинг айланувчанлик коэффиценти, мартада	Таҳлил даврида Айм.га қўйилган маблағнинг неча марта айланишини ифодалайди	$Q / \text{Айм}$
3. Айм.нинг рентабеллиги	100 сўм Айм. Суммасига тўғри келадиган фойдани кўрсатади	$\Phi * 100 / \text{Айм}$
4. Айм.нинг даромадлилиги	100 сўм Айм. Суммасига тўғри келадиган даро-мадни (Д) ифодалайди	$D * 100 / \text{Айм}$

1. Айланма маблағларнинг кунларда ифодаланган айланиш тезлиги

2011й. $391800 * 360 / 840948 = 168$ кун

2012й. $543894 * 360 / 1032180 = 190$ кун

2013й. $584504 * 360 / 1116192 = 188$ кун

^{15 15} Абдукаримов И.Т. ва бошқалар. Корхона иқтисодий салоҳияти таҳлили. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2010, – 256 б.

2. Айланма маблағларнинг неча марта айланиши (айланиш коэффициенти – Ак) сотилган маҳсулот суммасининг айланма маблағлар ўртача йиллик суммасига нисбати сифатида аниқланади ёки даврдаги кунлар сони (360) айланма маблағларнинг айланиш кунларига бўлинади. Бу қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$А_k = C / \text{Аймўс} \quad \text{ёки} \quad А_k = 360 / \text{Айма.}$$

$$2011\text{й. } А_k = 360 / 168 = 2.1$$

$$2012\text{й. } А_k = 360 / 190 = 1.9$$

$$2013\text{й. } А_k = 360 / 188 = 1.91$$

3. Айланма маблағлар рентабеллиги соф фойданинг айланма маблағлар ўртача йиллик суммасига нисбати сифатида қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\text{Аймр} = CФ * 100 / \text{Аймўс},$$

бунда: *Аймр* – айланма маблағлар рентабеллиги;

СФ – соф фойда. Бу кўрсаткич корхона айланма маблағларининг 1 сўмига қанча фойда олинаётганлигини билдиради.

$$2011 \text{ йил } 48300 * 100 / 391800 = 12.3 \%$$

$$2012 \text{ йил } 83839 * 100 / 543894 = 15.4 \%$$

$$2013 \text{ йил } 106257 * 100 / 584504 = 18.2 \%$$

4. Айланма маблағлар даромадлилиги (Аймд) даромад (Д) суммасини айланма маблағларнинг ўртача йиллик қийматига тақсимлаш йўли билан аниқланади. Бунинг учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$\text{Аймд} = Д * 100 / \text{Айм.}$$

$$2011 \text{ йил } 216672 * 100 / 391800 = 55.3 \%$$

$$2012 \text{ йил } 306036 * 100 / 543894 = 56.2 \%$$

$$2013 \text{ йил } 229516 * 100 / 584504 = 39.3 \%$$

Айланма маблағлар (Айм) самарадорлигини ифодаловчи
кўрсаткичларни таҳлили

Кўрсаткичларнинг номи	2011й.	2012й.	2013й.	2013й.да 2011й.га нисбатан фарқи (+,-)
1. Айм.нинг айланувчанлиги, кунларда	168	190	188	20
2. Айм.нинг айланувчанлик коэффициенти, мартада	2.1	1.9	1.91	-0.19
3. Айм.нинг рентабеллиги	12.3	15.4	18.2	5.9
4. Айм.нинг даромадлилиги	55.3	56.2	39.3	-16

Манба: Корхона ҳисоботлари асосида ишлаб чиқилган

10-жадвал маълумотларидан кўринадикки, айланма маблағларнинг айланувчанлиги 2011 йилда 168 кунни ташкил этган бўлса, кейинги йилларда эса ортиб борган, 2013 йили 188 кунгача етган ёки 20 кунга ортган.. Буни ижобий баҳолаш мумкин эмас. Айланма маблағларнинг айланувчанлик коэффициенти мос равишда камайиб борган ва таҳлил даврининг охирида -0.19 пунктга камайган. Айланма маблағларнинг рентабеллиги кўрсаткичида эса кескин ўсиш кузатилади давр охирида 2011 йилга нисбатан 5.9 фоиз пунктига ортган. Даромадлилигида эса камайиш 16 фоиз пунктига тенг бўлди. Бу кўрсаткични ижобий баҳолаш мумкин эмас.

Айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилганда уларга доир кўрсаткичларни ҳисоблаб чиқиш, бу кўрсаткичларни ўтган йил ва бизнес режа маълумотлари билан таққослаш керак. Шундан кейин бу кўрсаткичларнинг ўзгариш даражасига турли омиллар таъсири

аниқланади. Мазкур омилларни ўрганиш асосида айланма маблағлардан фойдаланиши самарадорлигини ошириш йўллари аниқлаш ва тавсия этиш керак бўлади.

Меҳнат самарадорлиги, унинг натижавийлиги, яъни маълум вақт бирлигида бита ходимга тўғри келадиган натижа билан ўлчанади¹⁶. Масалан, ишлаб чиаришда бир кишига тўғри келадиган тайёр маҳсулот ҳажми, бир кишига тўғри келадиган даромад ёки фойда каби кўрсаткичларни киритиш мумкин.

Меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланиш, мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча хўжалик юритувчи субъектлар учун ўта муҳимдир. Чунки меҳнат қанча самарали бўлса, иқтисодий кўрсаткичлар шунча юқори бўлади. Шу туфайли ушбу гуруҳ кўрсаткичларни алоҳида баҳолаш ва таҳлил қилиш лозим.

Бундай кўрсаткичларга қуйидагилар киради:

1. Меҳнат салоҳиятининг натижавийлиги.
2. Меҳнат салоҳиятининг рентабеллиги.
3. Меҳнат салоҳиятининг даромадлилиги.

Ушбу кўрсаткичларнинг ҳар бирини аниқлаш йўллари алоҳида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Меҳнат салоҳиятининг натижавийлиги ($M_{c.n}$) натижанинг меҳнат салоҳиятига нисбати билан аниқланади.

$$M_{c.n}=Q/M_c.$$

Меҳнат салоҳиятининг рентабеллиги ($M_{c.p}$)ни аниқлаш учун фойда суммасининг меҳнат салоҳиятига (M_c) нисбати олинади:

$$M_{c.p}=F/M_c.$$

Меҳнат салоҳиятининг даромадлилиги ($M_{c.d}$)ни аниқлаш учун ялпи даромад суммасини (D) меҳнат салоҳияти миқдори (M_c) бўлинади:

$$M_{c.d}=D/M_c.$$

¹⁶ Абдукаримов И.Т. ва бошқалар Корхона иқтисодий салоҳияти таҳлили. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2009, – 256 б.

Келтирилган кўрсаткичлар тизимига амалий маълумотларни қўллаб меҳнат салоҳияти самарадорлигини таҳлил қилиш мумкин. Бунинг учун қуйидаги жадвал тузилади (11-жадвал).

11-жадвал

Меҳнат салоҳиятининг самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларнинг
ҳисоб-китоби

Кўрсаткичлар	2011 й.	2012й.	2013й.	Ўзгариш суръати, %
1. Маҳсулот ҳажми, минг сўм	900192	1044540	1143312	132
2. Ялпи даромад, минг сўм	216672	306036	229516	105
3. Соф фойда, минг сўм	48300	83839	106257	220
4. Меҳнат салоҳияти ўртача йиллик миқдори, киши	28	35	50	178
5. Мс. Натижавийлиги, яъни меҳнат унумдорлиги, минг сўм (1қ:4қ)	32150	29844	22866	71
6. Мс. Даромадлилиги, минг сўм(2қ:4қ)	7738	8744	4590	59
7. Мс. Фойдалилиги, минг сўм (3қ:4қ)	1725	2395	2125	123

Манба: Корхона ҳисоботлари асосида ишлаб чиқилган

11-жадвалдан кўриниб турибдики, маҳсулот ҳажми 2013 йилда давр бошига нисбатан 132%га ортган ҳолда ялпи даромад 2013 йилда 105%га ортган, бу маҳсулот сотиш ҳажмидаги даромадларни ортиб бораётганидан дарак берувчи ижобий ҳолат ҳисобланади.

Соф фойда миқдори эса 2011 йили 48300минг сўм бўлса,2013 йили

106257 минг сўмгача ортган, давр бошига нисбатан 220%га ортган, бу эса ўз навбатида корхона харажларини камайиб қўшилган қийматни ошиб бораётганидан дарак беради. Меҳнат унумдорлиги 2011 йили ҳар бир киши ҳисобига 32150 минг сўм бўлса, 2013 йили 22866 минг сўмга тўғри келган, давр бошига нисбатан 71%га ўсган, бу эса ўз навбатида ходимларнинг меҳнат мотивациясини ошганидан дарак беради.

Меҳнат салоҳиятининг даромадлилиги 59%га тушиб қолган бўлса, бу ходимлар сони ортишидан даромадни ортиши суръати орқада қолаётганидан дарак беради. Лекин фойдалилиги 123% га ортган. Меҳнат салоҳияти самарадорлиги кўрсаткичларига 2011-2013 йилларда корхона даромадидаги нотекис ўзгаришлар ижобий таъсир қилган.

Самарадорлик бўйича таҳлилнинг навбатдаги босқичида ходимлар сони асосий кўрсаткичларининг ўзгариш тенденциясини аниқлаш лозим. Бу эса уларнинг динамикасини таҳлил қилишни тақозо қилади. Ходимлар сонининг динамикасини аниқлашда албатта ҳажм кўрсаткичларини фойда каби кўрсаткичлар динамикаси билан солиштирган ҳолда таҳлил қилиш лозим.

Бунинг учун қуйидагича жадвал тузилади (12-жадвал).

12-жадвал

Ходимлар сони, маҳсулот ҳажми ва фойда кўрсаткичларининг 2011-2013 йиллардаги динамикаси

Йиллар	Ходимлар сони		Маҳсулот ҳажми		Соф фойда	
	киши	ўзгариш суръати, %	суммаси, мингсум	ўзгариш суръати, %	суммаси, минг сўм	ўзгариш суръати, %
2011	28	100,0	900192	100,0	48300	100,0
2012	35	125	1044540	116	83839	173
2013	50	178	1143312	132	106257	220

Манба: Корхона ҳисоботлари асосида ишлаб чиқилган

12- жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ходимлар сони шу уч йил мобайнида 178 фоизга ўсган. Аммо маҳсулот ҳажми ва фойданинг ўсиш суръати шу йилларда ходимлар сонига нисбатан юқори. Масалан, маҳсулот ҳажми шу уч йилда 132 фоизга ошган бўлса, корхонанинг соф фойдаси 220 фоизга ошган. Бу кўрсаткичлар меҳнат самарадорлигининг ошганлигидан далолат беради. Буни аниқ билиш учун қуйидаги жадвални тузамиз (13-жадвал).

13-жадвал

Меҳнат унумдорлиги ва рентабеллигининг ўзгариш динамикаси

Йиллар	Меҳнат унумдорлиги		Меҳнатнинг фойдалилиги	
	суммаси, минг сўм	ўзгариш суръати, %	1 ходимга тўғри келадиган фойда, минг сўм	ўзгариш суръати, %
2011	32150	100,0	1725	100,0
2012	29844	93	2395	139
2013	22866	71	2125	123

Манба: Корхона ҳисоботлари асосида ишлаб чиқилган

13-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, меҳнат унумдорлиги ҳам, меҳнат рентабеллиги ҳам олдинги икки йил, яъни 2012, 2013 йиллар мобайнида 2011 йилга нисбатан ўсиш суръатининг шу иккала кўрсаткич бўйича ҳам ошганлигини кўрамиз. 1 ходимга тўғри келадиган фойда кескин ўзгарган ва охириги йили давр бошига нисбатан 123 фоизга ортган.

2.3. Ўзбекистон енгил саноати ривожланишининг ҳозирги ҳолати ва асосий натижалари таҳлили

Енгил саноат - хилма-хил хом ашёдан кенг истеъмол маҳсулотлари ва буюмлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган саноат тармоқлари мажмуи¹⁷.

Енгил саноатда хом ашёга ҳам дастлабки ишлов бериш, ҳам тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш амалга оширилади. Енгил саноатда пахта, ипак, зиғир, каноп, сунъий чарм хом ашё сифатида фойдаланилади.

Енгил саноатнинг асосий тармоқлари қуйидагилар: тўқимачилик, тикувчилик, кўнчилик, мўйнадўзлик, пойабзал саноати ва бошқалар.

Енгил саноат маҳсулотларини иқтисодиётнинг бошқа соҳаларида ҳам ишлатилади: машинасозлик, электромеханика, автомобилсозлик, авиация, озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, соғлиқни сақлаш ва бошқа тармоқларда ишлатилади.

Енгил саноат йирик фабрика индустриясининг тармоғи тарзида XVIII асрнинг иккинчи ярмида барпо қилинди. Енгил саноатнинг қадимги тармоқларидан бири бўлган тўқимачилик саноати XVIII асрдаги улкан кашфиётлар, йирик машиналашган саноатга ўтиш билан боғлиқ. Лекин кўлда пахта ва жундан пойабзал тикиш учун терини қайта ишлашнинг оддий усуллари Ҳиндистон, Хитой, Миср, Ўрта Осиёда миллоддан аввал бир неча аср илгари маълум бўлгани тарихий адабиётларда қайд этилган ва археологик топилмалар билан тасдиқланган. Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида XIX асрнинг охирига қадар хўжалик тараққиёти хонаки, косибчилик, ҳунармандчилик ишлаб чиқаришдан иборат эди. Саноат усулида ишлаб чиқарилган кийим-кечак, пойабзал, трикотаж маҳсулотлари, газмоллар асосан Россиянинг марказий шаҳарларидан олиб келинган, четга асосан Россияга пахта толаси, хом ипак, тери ва бошқа хом-ашё турлари чиқарилган.

Ўзбекистонда енгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга XIX

¹⁷ Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" нашриёти, 1999 йил

асрнинг охирида Тошкент шаҳрида пахта тозалаш заводи қурилиши билан асос солинган. XX аср бошларида енгил саноат соҳаси асосан пахтани қайта ишлаш корхоналаридан иборат бўлиб, янги саноат маҳсулотларининг қарийб 4/5 қисми шу соҳага тўғри келган. 20-йиллардан пахта тозалаш заводлари, пиллачилик, йигирув-тўқув, тикувчилик, чарм-галантерея, пойабзал фабрикалари қурила бошлади, республиканинг ўзида етиштирилган хом-ашёдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадларида майда хунармандчиликни бирлаштириб саноат асоси яратилди.

Енгил саноат Ўзбекистон иқтисодиётида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмида енгил саноат тармоғининг улуши 2012 йилда 12.9% фоизни ташкил қилди. Иқтисодиётнинг ушбу тармоғи юкори экспорт салоҳиятига эга, унда халқ эҳтиёжи учун маҳсулотлар ишлаб чиқарилади ва кўплаб иш жойи таъминланишига имкон яратилади. Шу билан биргаликда, унинг корхоналари иқтисодиётнинг қишлоқ хўжалиги, энергетика, ёқилғи ва кимё саноати, машинасозлик, транспорт каби ишлаб чиқариш соҳалари билан узвий боғлангандир.

14- жадвал

Енгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш динамикаси

Маҳсулот тури	Ўлчов бирл.	2005	2008	2009	2010	2011	2012	2013
Пахта толаси	минг тонна	1184,2	1156,6	1039,8	1117,8	1102,1	1085,5	1087,5
Ип газлама толаси	минг тонна	170,8	156,1	157,2	188,0	123,9	140,6	171,3
Ип газлама	млн. м ²	258,3	94,2	77,7	77,2	48,0	56,4	77,7
Трикотаж маҳсулотлари	млн. дона	36,3	45,4	44,8	67,1	70,4	64,6	88,9

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

14-жадвал маълумотларидан кўринадик, енгил саноатнинг айрим маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг динамикаси, ўтган йилга нисбатан яхшиланиб бормоқда. Ип газлама толаси кўрсаткичи 2011 йилда 123,9 ни 2013 йилда эса 171,3 ни ташкил этган, 47.4 пунктга ўсиш рўй берган.

15- жадвал

Енгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ўсиши, %

маҳсулотлар	Йиллар								
	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013
Ўтган йилга нисбатан %									
Пахта толаси	121,2	98,9	96	104,4	89,9	107,5	98,6	99,4	101,4
Ип калава	99,6	96,4	109,1	89,5	100,7	119,6	65,9	113,5	117,4
Ип газлама	74,6	68,1	90,1	71,3	82,5	99,3	62,2	117,5	137,7
Трикотаж буюмлари	92,1	114,3	127	82,9	98,6	150	104,9	91,7	107,4
2005 йилга нисбатан %									
Пахта толаси	100	98,9	95,0	97,7	87,8	94,4	93,1	92,5	93,8
Ип калава	100	96,4	105,2	91,4	92,0	110,1	72,5	82,3	96,6
Ип газлама	100	68,1	61,4	36,5	30,1	29,9	18,6	21,8	30,1
Трикотаж буюмлари	100	114,3	145,2	125,0	123,3	184,9	194,0	177,9	191,0

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

1991 йилгача Ўзбекистон Республикасида 4 та тўқимачилик комплекси Тошкент, Бухоро, Андижон ва Фаргона комбинатлари бор эди. Улардаги ускуналар эскирган бўлиб, экспорт маҳсулот ишлаб чиқариш талабига жавоб бермас эди. Мехнат шароитлари ҳам замон талабларига мос холда эмас эди. Ишлаб чиқаришга 973,3 минг йигирув урчуғи жалб қилинган бўлиб, Ўзбекистонда етиштирилган пахтанинг деярли 10 фоизи қайта ишланар эди.

Мустақиллик йилларида енгил саноат тармоги ривожланишнинг янги сифат босқичига ўтди, яъни жаҳонда етакчи машинасозлар ва ишлаб қарувчилар билан тўғридан-тўғри алоқа қилиш имкониятлари очилди. Республика енгил саноат тармоги ривожланишида, давлат томонидан 1996 йил апрелда қабул қилинган "Енгил саноат ва маҳаллий саноатини ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори муҳим аҳамият касб этди. Бу қарор асосида енгил тармоқларида катта бурилишлар содир бўлди, 35 та инвестицион лойиҳалар амалга оширилди, 152 млрд.сўмлик капитал қўйилмалар ўзлаштирилди, шу жумладан чет эл инвестициялари 644,4 млн. АҚШ долларни ташкил қилади. Чет эл инвестицияларини жалб қилиб бир қатор қўшма корхоналар ишга тушрилган бўлса, "Наманган текстил" Акционерлик жамияти (АЖ), "Аснам текстил" АЖ, "Каштекс", "Гурлен", "Антекс" тўқимачилик комплекслари, "Каракультекс" ҚК, "Мидатекс" ҚК ва бошқалар чет эл инвестициялари орқали техник қайта жиҳозланди.

Ўз маблағлари ҳисобидан "Бухоротекс" АЖ, Чинобод ПТФ" АЖ, "Тоштуқимачи" АЖ, "Яккабоғ тикувчилик фабрикаси" АЖ техник қайта жиҳозланди, Тошкент вилоятида крахмал ишлаб чиқарувчи завод ишга туширилди.

Республика ялпи енгил саноати маҳсулотларининг тенг ярми пахта тозалаш саноати ҳиссасига тўғри келади. Ўзбекистон мустақиллик йилларида пахта майдонлари ярим млн. гектарга камайди ва бу нарса пахта тозалаш саноати фаолиятига таъсир кўрсатди. Собиқ иттифоқ даврида қайта ишланган пахта толасининг 92-96 фоизи фақат Россияга жўнатилад эди. Эндиликда пахта толаси узок хорижий давлатларга ҳам экспорт қилинмоқда ва унинг бир қисми ўзимизда такрор қайта ишлаб чиқарилмоқда.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон пахта толаси 40дан ортик хорижий мамлакатларга экспорт қилинмоқда. Республикамиз пахта толасини экспорт қилиш бўйича жаҳонда АҚШдан кейин иккинчи ўринни эгаллайди.

Республикада ишлаб чиқарилаётган пахта толасининг 40 фоизи мамлакат саноат корхоналарида қайта ишланмоқда. Яқин келажак республикада етиштириладиган пахта толасининг 80 фоизини қайта ишлашга эришиш вазифаси қўйилган.

Республика тўқимачилик саноатини ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири рақобатбардош газлама ишлаб чиқаришни кўпайтиришдан иборат. Кейинги йилларда бир қанча минтақаларда, хусусан Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Бухоро ва Фарғона вилоятларида замонавий техника ва технология билан жиҳозланган ўнларча йирик тўқимачилик корхоналари қурилди. Айниқса АҚШ, Италия, Туркия, Покистон, Ҳиндистон, Корея фирмалари билан ҳамкорликда ип газлама ишлаб чиқарадиган янги қўшма корхоналарнинг ишга туширилиши тўқимачилик саноатимизнинг ютуғи бўлди.

"Супертекстил" пахта ип йигирувчи Ўзбекистон-АҚШ қўшма корхонаси (Тошкент, 1993), ипак гиламлар ишлаб чиқарадиган "Афғон, Бухоро, Самарқанд" қўшма корхонаси (Самарқанд, Бухоро, 1993) ва Туркиянинг "Азекс" корхонаси билан ҳамкорликда Қорақалпоғистоннинг Элликқалъа туманида тўлиқ технологик қувват билан ишлайдиган тўқимачилик мажмуининг ишга туширилиши тармоқ истиқболини янада кенгайтирди.¹⁸

Ушбу саноат тури қадимдан Марғилон, Наманган, Қўқон, Бухоро, Самарқанд шаҳарларида машҳур бўлган. Шойи газлама ва зарли кийимлар ишлаб чиқаришда асрий тажрибага эга бўлган ўзбек халқи ўз удумларини асрлар оша давом эттириб ва такомиллаштириб келмоқда.

Республикада дастлабки пиллакашлик фабрикалари 1926-1932 йилларда Самарқанд, Бухоро ва Марғилонда қурилган. 1937 йилда сунъий ипак газламалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Ҳозирги вақтда Марғилон (1926), Фарғона (1926), Самарқанд (1927), Бухоро (1927), Тошкент (1959), Наманган (1966), Урганч (1975),

¹⁸ Экономика Узбекистана // Аналитический обзор за 2003. 2004 №11.

Шахрисабз (1976) ва Булоқбоши (1989) пиллакашлик фабрикалари ва уларнинг 12та филиали ишлаб турибди.

Республикада шойи тўқиш соҳасида Марғилон шойи тўқиш комбинати (1928), Марғилон "Атлас" (1925) ва Наманган (1966) шойи ишлаб чиқариш бирлашмалари, Наманган абрли газламалар комбинати (1925), Самарқанд шойи ишлаб чиқариш бирлашмаси (1934), Қўқон шойи тўқиш фабрикаси (1926), Шўрчи ва Бойсун шойи тўқиш фабрикалари фаолият кўрсатмоқда.

Мамлакат шойи ва атлас тўқиш саноат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган крепдешин, кретпифон, крепжоржет, атлас, хонатлас, беқасам, шойи, сунъий иплардан тўқилган абрли газламалар халқимиз эҳтиёжини қондириб келмоқда ва хорижга экспорт қилинмоқда. Мамлакат енгил саноати мажмуида трикотаж буюмлари ишлаб чиқариш ҳамда тикувчилик ҳам тараққий этган. Саноатнинг бу тармоқларига ихтисослашган йирик корхоналар Тошкент, Самарқанд, Андижон ва бошқа ўнлаб шаҳарларда фаолият кўрсатмоқда. Мазкур корхоналарда чиройли кийим-кечаклар билан бирга қўлда тикилган кўрпатўшак, гулкўрпа, зарбоф тун чойшаб, сўзана, кашта каби буюмлар юксак миллий санъат асари даражасида ишлаб чиқарилади.

Ўзбекистон енгил саноатида чинни идишлар тайёрлаш яхши йўлга қўйилган. Айниқса Тошкент, Самарқанд, Қувасой чинни заводларида тайёрланган коса, пиёла, чойнак, лаганларнинг доврўғи дунёга тарқалган. Масалан, Тошкент чинни заводида ишлаб чиқарилган "Ўзум" ва бошқа чинни идиш тўпламлари халқаро ярмарка ва кўрғазмаларда фахрли совринларни қўлга киритган. Республика енгил саноатининг яна бир муҳим тармоғи мебель ишлаб чиқаришдир. Тошкент, Самарқанд, Наманган, Андижон, Шўрчи, Қўқон, Бухоро, Қува шаҳарларида фаолият кўрсатаётган мебель ишлаб чиқариш фабрикалари ассортиментининг кўплиги, маҳсулотининг юқори сифати билан ажралиб турада. Мамлакатдаги хорижий технологияни қўллаб ва замонавий ускуналар

билан жиҳозланган мебелчилик корхоналарида меҳмонхона, ошхона, кабинет, ётоқхона, ўрта мактаб ва лицейлар учун мебеллар ишлаб чиқарилади. Миллий мебель хонтахта, сандик, курси намуналарини, ҳашаматли мебеллар йиғмаларини ишлаб чиқариш тобора кенгайиб бормоқда. Ҳозирги даврда Ўзбекистон енгил саноати кўп тармоқли индустриал комплекс бўлиб, унинг таркибида пахта тозалаш заводларидан ташқари, тўқимачилик, трикотаж, шойи тўқиш, тикувчилик, кўнпойабзал, гиламчилик, чинни-фаянс буюмлари ва атторлик моллари ишлаб чиқариш соҳаларида йирик корхоналар бор. Енгил саноат тармоғи фаолиятининг асосий кўрсаткичлари 17-жадвалда келтирилган.

16-жадвал

Енгил саноатда фаолият кўрсатаётган корхоналар сони

	2009 й.	2010 й.	2011 й.	2012 й.
Саноатда жами,	14321	14568	16032	16891
Енгил саноатда	2371	2502	2797	2673
шу жумладан тўқимачиликда	1029	1077	1150	1177
Тикувчиликда	1107	1151	1341	1207
чарм маҳсулотлари, оёқ кийими корхоналари	227	259	295	280

Манба: Промышленность Узбекистана 2013г статистический сборник.-13стр

Ҳозирги даврда ишлаб чиқариш соҳаларида 2673 та йирик корхоналар бор. Бундан ташқари, жорий йилда яна 23 та янги корхона ишга туширилиши мўлжалланган бўлиб, ҳозирда уларнинг 15 тасида маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Натижада қўшимча равишда йилига 44 минг тонна калава ип, 18 миллион погон метр газлама, 1,5 минг тонна трикотаж мато, 6 миллион жуфт пайпоқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш имкони яратилди.

Енгил саноат тармоғи фаолияти асосий кўрсаткичлари

Маҳсулотлар номи	2009 й.	2010 й.	2011 й.	2012 й.	Ўсиш 2012й 2009й га нисбатан, %
Маҳсулот хажми, млрд сўм	3436	4593,1	5640,7	6566,6	191,1
Ўтган йилга нисбатан фоизда	105,5	117,9	104,0	112,9	-
Тармоқда банд бўлганларнинг ўртача руйхат сони, минг киши	125,6	138,0	143,4	142,0	113,1
Ўтган йилга нисбатан фоизда	91,4	103,8	103,9	99,0	-
Газламалар жами, млн.м ² Шу жумладан:	174,3	194,5	187,3	204,9	117,6
Ўтган йилга нисбатан фоизда	111,3	111,6	96,3	109,4	-
Ип газлама, млн. м ²	130,4	145,3	130,0	138,9	106,5
Жун газлама, млн. м ²	0,1	0,1	0,2	0,2	200,0
Шойи газлама, млн.м ²	2,9	3,4	3,3	2,9	100,0
Пайпоқ маҳсулотлари, млн. жуфт Шу жумладан:	13,6	27,8	24,1	34,4	252,9
Ўтган йилга нисбатан фоизда	136,0	204,1	86,8	142,7	-
Улардан эркалар пайпоқлари	13,5	25,3	24,0	33,8	250,4
Колготки	0,1	0,1	0,04	0,3	300,0
Трикотаж маҳсулотлари, млн. дона	59,2	98,9	112,3	132,6	224,0
Ўтган йилга нисбатан фоизда	112,8	167,0	113,5	118,1	-
Умумий трикотажа эркалар трикотажи	21,6	35,8	43,1	50,4	233,3
Аёллар трикотажи	13,2	19,5	18,3	18,5	140,2
Оёқ кийимлари, млн. жуфт	3,1	3,3	4,2	5,2	167,7
Ўтган йилга нисбатан фоизда	95,6	106,2	125,2	125,9	-
Ипак хомашёси ипи, тонна	1090,6	1306,1	1465,8	1119,1	102,6
Ўтган йилга нисбатан фоизда	122,6	119,8	112,2	76,3	-

Манба: Промышленность Узбекистана 2013г статистический сборник.-131стр

Енгил саноатда асосий фаолият бўйича ишловчилар сони (минг киши)

	2009 й.	Улуши ,%	2010 й.	Улуши ,%	2011 й.	Улуши ,%	2012 й.	Улуши ,%
Саноатда жами,	616.7	100	614.7	100	618.3	100	600.4	100
Енгил саноатда	126.6	20.5	126.7	20.6	126.5	20.5	110.2	18.3
шу жумладан тўқимачиликда	98.5	16	97.7	15.9	92.5	15	77	12.8
тикувчиликда	22.6	3.7	23.4	3.8	26.4	4.3	26.9	4.5
чарм маҳсулотлари, оёқ кийими корхоналари	5.3	0.8	4.8	0.8	4.6	0.7	4.0	0.7

Манба: Промышленность Узбекистана 2013г статистический сборник.-48стр

18-жадвалдан кўриниб турибдики, саноатда 2012 йилда жами асосий фаолият бўйича ишловчилар сони 600.4 минг кишини ташкил этади. Шундан енгил саноатда 110.2 минг киши бўлиб 18.35 ни ташкил этади. Шу жумладан тўқимачиликда 12.8% ёки 77 минг киши, тикувчиликда 4.5% ёки 26.9 минг киши, чарм маҳсулотлари, оёқ кийими корхоналари 0.7% ёки 4.0 минг киши фаолият олиб боради.

Маҳсулот таннархи корхоналар хўжалик фаолиятини ифодаловчи сифат кўрсаткичи бўлиб, корхоналар фаолиятининг ҳамма томонларини, яъни ишлаб чиқариш ва молиявий томонларини акс эттиради ва уларнинг иш самарадорлигини кўрсатади.

Мамлакат иқтисодиётини рақобатбардошлигини ошириш шароитида тежамкорлик режимининг кучайтириш, ҳамма турдаги ресурсларни оқилона ва тежаб-тергаб сарфлаш, уларнинг нобуд бўлишини камайитишга сабот билан эришиш, ресурсларни тежайдиган ва чиқитсиз технологияга ўтишни амалга ошириш, ишлаб чиқаришнинг иккиламчи ресурслари ва чиқитларидан фойдаланишни яхшилаш, уларнинг қайта ишлайдиган ишлаб чиқариш қувватларини ривожлантириш, иккилама

хомашёни тўплашни шу жумладан аҳолидан тўплашни ташкил қилиш ва тайёрлов ташкилотларининг моддий-техникавий базасини янада мустахкамлаш керак. Корхоналар фаолият юритиш жараёнида моддий ва пул харажатларини сарфлайдилар.

Корхонанинг умумий харажатлари ичида ишлаб чиқариш харажатлари энг катта салмоққа эга. Ишлаб чиқариш харажатлари мажмуаси корхонага маҳсулот ишлаб чиқариш қанчага тушишини кўрсатади, яъни маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархини ташкил қилади.

19-жадвал

Енгил саноатда маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари таркиби, жамига нисбатан фоизларда

	2009 й.	2010 й.	2011 й.	2012 й.
Енгил саноатда жами, шу жумладан	100	100	100	100
Ишлаб чиқариш моддий харажатлари	90.8	90.8	89.7	89.5
Ишлаб чиқариш характеридаги меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари	2.9	3.0	3.6	3.7
Ишлаб чиқаришга оид ижтимоий суғуртага ажратмалар	0.9	0.8	0.8	0.9
Ишлаб чиқаришдаги асосий воситалар амортизацияси	2.4	2.5	3.2	3.1
Ишлаб чиқариш характеридаги бошқа харажатлар	3.0	2.9	2.7	2.8

Манба: Промышленность Узбекистана 2013г статистический сборник.-58стр

Енгил саноатда маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари таркибида моддий харажатлар 89.5 %ни ташкил этиши ижобий ҳолатдир. Бу кўрсаткичнинг жамига нисбатан салмоғи, 2009 йилда 90.8 % ни 2012 йилда эса 89.5 %ни ташкил этган, яъни ўзгариш сезиларли эмас. Ушбу харажатларнинг таннархга энг катта таъсир кўрсатадиган бўлгани учун кўпроқ шунга аҳамият бериб уни нима сабабдан юқори эканлиги аниқланиши керак. Материални олиб келиш қимматга тушаётгани, сотувчининг узоқдалиги ва транспорт харажатлари, бозордан бошқа сотувчи ва арзонроқ нархдаги ҳом ашё ва материаллар топиш керак.

Кейинги ўринда иш ҳақи харажатлари ҳам юқори. Бу кўрсаткичнинг жамига нисбатан салмоғи, 2009 йилда 2.9 % ни 2012 йилда эса 3.7 %ни ташкил этган, 0.8% пунктга ўсиш рўй берган. Уни камайтириш учун ишчиларни иш режимини тўғри ташкил қилиб, уларнинг аниқ бажараётган ишларини ўрганиб чиқиш керак. Бу ерда ҳар бир ишчини аниқ бажарадиган ишларини белгилаб олиб ҳаммасига режа тузилиши ва ишчиларнинг шу режага амал қилишини кузатиш керак. Ишчилар бекорчи бўлиб қолмаслигини таъминлаш керак.

Маҳсулот таннархини арзонлаштиришнинг асосий йўллари куйидагилар-дан иборат: бошқарув усуллари, ишлаб чиқариш ва меҳнатни илмий ташкил қилишни, хўжалик ҳисобини такомиллаштириш, ишлаб чиқариш асосий фондларидан фойдаланишни яхшилаш, моддий ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланиш, ишлаб чиқаришни бошқариш ва унга хизмат кўрсатиш харажатларини камайтириш, хўжасизликка қарши курашиш кабилар.

Айланма маблағлар айланишини тезлаштириш нафақат корхона учун, балки бутун халқ хўжалиги учун ҳам катта аҳамият касб этади. У ресурсларнинг нисбий озод қилиниши, ижтимоий харажатларнинг камайтирилишига кўмаклашади ва иқтисодий режалаштириш суръатини оширади.

Айланма тузилмаларни режалаштириш ва бошқаришнинг ҳозирги

пайтдаги амалиётида ушбу маблағларнинг таркиби ва тузилмасини баҳолаш ва таҳлил қилишга, шунингдек, уларнинг функционал роли ва ҳаракатига катта эътибор қаратилади. Айланма ишлаб чиқариш фондлари корхона айланма маблағларининг энг фаол қисми бўлса, муомала фондлари ишлаб чиқариш жараёнида бевосита иштирок этмайди ҳамда янги истеъмол қийматини яратмайди. Бу ерда умумий қоида шундайки, айланма маблағлар доимо айланишда бўлиши зарур - уларнинг самарадорлиги ва корхона иқтисодиётига таъсири айнан шунда кўзга ташланади.

Бугунги кунда айланма маблағларда, айникса, корхоналарнинг моддий-товар бойликларида банд бўлган йирик миқдордаги пул маблағлари уларнинг тўлиқ сақланишига эътибор қаратиш, улардан мақсадларга мувофиқ ва самарали фойдаланиш, шунингдек, уларнинг айланишини тезлаштиришни талаб қилади. Корхоналар олдига қўйилган вазифаларни бажариш қуйидагиларни амалга оширишни талаб қилади:

- * фан-техника тараққиёти ютуқларини кенг қўллаш;
- * ишлаб чиқаришнинг барча жараёнларида илмий жиҳатдан асосланган норма ва нормативлар тизимини яратиш;
- * корхоналарни узоқ муддатли хўжалик алоқалари юритишга ўтказиш ва кооперация қилишни ривожлантириш;
- * маҳсулотлар, молиявий, моддий ва куч-қувват ресурсларининг сифат балансини тузиш;
- * бошқариш тизимини ташкил этишнинг ва рағбатлантиришнинг оптимал шакллари қўллаш.

Енгил саноат тармоқларининг иқтисодий таҳлили натижасида қуйидаги номуносивбликлар аниқланди:

- тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга нисбатан хом ашё товарлари ишлаб чиқаришнинг юқорилиги (пахта тозалаш);
- ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотларнинг рақобатбардошлик даражасининг пастлиги;

- экспортга йўналтирилган ишлаб чиқариш улушининг камлиги;
- ишлаб чиқаришни хом ашё ва бутловчи материаллар билан таъминланишидаги номуносиблик;
- ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш учун бор бўлган бой маҳаллий ресурслардан нораціонал фойдаланиш;
- ташқи бозорни ўрганиш учун олиб бориладиган маркетинг тадқиқотлари даражасининг пастлиги ва бошқалар.

Мавжуд муаммоларни ҳал қилишда куйидаги чораларни кўришни тавсия этилади:

- енгил саноатнинг ички ва ташқи бозорда юкори талабга эга бўлган маҳсулотлари ва замонавий технологияларига асосланган ҳолда енгил саноат ривожланишининг узок муддатли концепциясини ишлаб чиқиш;
- ташқи бозорда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун хом ашёдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган ўзаро боғлиқ мажмуани шакллантиришга ўтиш;
- чет эл инвестицияларини кенгайтирган ҳолда тайёр маҳсулотга йўналтирилган ишлаб чиқаришни технологик ва техник қайта жиҳозлаш;
- республика, концерн ва корпорациялар, корхоналар даражасида маркетинг тадқиқотларни кенгайтириш;
- малакали кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор бериш.

Иккинчи боб бўйича хулосалар

Корхона охириги уч йиллик фаолияти давомида ишлаб чиқариш ҳаражатлари маҳсулот ҳажмига мос равишда ортиб борган ва таҳлил даврининг охирида 2011 йилга нисбатан 142 %га ортган. Корхонанинг ходимлари сони ҳам ортиб борган таҳлил даврининг бошида 28 кишидан 2013 йили 50 кишигача ортган. Корхонанинг асосий воситалари ҳам таҳлил даври давомида ошиб борган ва 2013 йили 2011 га нисбатан 124 %ни ташкил этган. Корхона соф фойдаси 2011 йилда 48300 минг сўмни

ташкил этган, 2013 йилга келиб маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмининг ортиши, ортиқча харажатларнинг камайтирилиши оқибатида фойда 106257 минг сўмга чиққан ва 2011й.га нисбатан ўзгариш динамикаси 220 % ни ташкил этган, шунга кўра рентабеллик ҳам ортиб борган, агар 2011 йилда 7.7 % бўлса 2013 йилда 11.9 % ни ташкил этган.

“Jasminabonu prestij servis” МЧЖда жорий йилда ўтган йилга нисбатан 57957минг сўмга соф фойдаси ортган. Соф фойданинг ортишига асосан маҳсулот сотишдан олинган ялпи фойда ва молиявий фаолиятдан фойданинг ошиб кетганлиги ҳамда фойдадан тўланган солиқ суммасининг ўтган йилга нисбатан кичик ҳажмда кўпайганлиги сабаб бўлган.

Ходимлар сони шу уч йил мобайнида 178 фоизга ўсган. Аммо маҳсулот ҳажми ва фойданинг ўсиш суръати шу йилларда ходимлар сонига нисбатан юқори. Масалан, маҳсулот ҳажми шу уч йилда 132 фоизга ошган бўлса, корхонанинг соф фойдаси 220 фоизга ошган. Бу кўрсаткичлар меҳнат самарадорлигининг ошганлигидан далолат беради.

Меҳнат унумдорлиги ҳам, меҳнат рентабеллиги ҳам олдинги икки йил, яъни 2012, 2013 йиллар мобайнида 2011 йилга нисбатан ўсиш суръати ошган. 1 ходимга тўғри келадиган фойда кескин ўзгарган ва охириги йили давр бошига нисбатан 123 фоизга ортган.

Мамлакатимизда ўтган даврларда саноатни ривожлантиришнинг асосий омиллари сифатида мақсадли дастурларни амалга ошириш, инфратузилмани шакллантириш (сув, газ, электроэнергия, транспорт ва бошқалар), енгил саноат соҳасида янги корхоналар ташкил этиш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, чарм хом ашёсини қайта ишлаш соҳасида янги корхоналар ташкил этиш ва янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, саноатни ривожлантиришда банк кредитлари таъсирчанлигини ошириш, саноатни ривожлантиришда қўшма корхоналарнинг улушини ошириш, маҳаллий хом ашёни қайта ишлаш кабиларни кўрсатиш мумкин.

3 боб. Енгил саноат барқарор ривожланишиниш асосий йўналишлари ва истиқболлари

3.1. “Jasminabonu prestij servis” МЧЖ фаолияти рентабеллиги кўрсаткичлари ва уларни яхшилаш йўналишлари.

Рентабеллик кўрсаткичлари корхона фаолиятининг қанчалик фойда беришини акс эттиради. Бу кўрсаткичлар олинган фойданинг сарфланган маблағларга нисбати ёки сотишдан олинган фойданинг сотилган маҳсулот ҳажмига нисбати сифатида ҳисобланади.

Рентабелликнинг моҳияти. Бозор муносабатларига ўтиш шароитларида рентабелликнинг аҳамияти ва ўрни ўсиб бормоқда. У корхона фаолияти ва капитал қўйилмалар иқтисодий самарадорлигининг асосий мезони, корхона ва хўжалик юритувчи ташкилотларни баҳолашнинг синтетик кўрсаткичи бўлиб хизмат қилади.

Янги шароитларда корхоналарнинг фаолиятларида юқори молиявий натижаларга эришишга интилиши сезиларли даражада ортиб бормоқда.

Ҳар қандай хўжалик механизми учун асос бўлиб корхона фаолиятини режалаштириш ва унга объектив баҳо бериш, таълим олиш, меҳнатга ҳақ тўлаш ва иқтисодий рағбатлантириш фондларидан фойдаланиш, ишлаб чиқариш жараёнининг турли босқичларида харажат ва натижаларни солиштириш кўрсаткичлари хизмат қилади.

Фойда корхона самарадорлигининг ягона ва универсал кўрсаткичи эмас.

Ишлаб чиқариш ривожланишининг самарадорлиги ва интенсивлигини баҳолашда амалиётда рентабеллик кўрсаткичлари тизими кенг қўлланиб, унга кўра фойданинг миқдори белгиланган ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, рентабеллик даромадлилик, фойдалиликни англатади. Бироқ рентабелликни фақат даромадлилик деб қабул қилиш унинг иқтисодий мазмунини кенг очиб бермайди. Улар ўртасида тенгликнинг йўқлигидан даромад миқдори ва рентабеллик даражаси турли нисбатларда, кўпинча турли йўналишларда ўлчаниши далолат беради.

Исталган муддат учун иқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблаш кўплаб турли хил омиллар таъсири остида амалга оширилади.

Рентабеллик ва фойда кўрсаткичларини таҳлил қилишда уларга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган барча омилларни билиш, бу омилларнинг самарадорликнинг умумлаштирувчи кўрсаткичларига таъсирини ҳисоблаш услубиятини эгаллаш муҳим аҳамият касб этади. Бу омилларни бошқариш орқали корхонада даромадни ошириш заҳираларини излаб топиш ва рентабелликнинг талаб қилинувчи даражасига эришиш механизмини яратиш мумкин.

Рентабеллик ва фойдага таъсир кўрсатувчи омилларни турли хил белгиларига кўра таснифлаш мумкин. Масалан, бу омиллар ички ва ташқи бўлиши мумкин. Ички омилларга корхона фаолиятига боғлиқ бўлган ҳамда корхона фаолиятининг турли йўналишларини тавсифловчи омиллар мансуб бўлади. Ташқи омилларга корхона фаолиятига боғлиқ бўлмаган, бироқ ишлаб чиқариш рентабеллиги ва даромаднинг ўсиш суръатига сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин бўлган омиллар киради. Таҳлил жараёнида ички ва ташқи омилларни аниқлаш самарадорлик кўрсаткичларини ташқи таъсирлардан “тозалаш” имконини беради ҳамда корхона ютуқларини объектив баҳолашда муҳим аҳамият касб этади.

Ўз навбатида ички омиллар ҳам ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш омилларига бўлинади. Ноишлаб чиқариш омиллари асосан меҳнат ва сотиш шароитлари, корхонанинг тижорат, табиатни сақлаш ва шу каби фаолият турлари билан боғлиқ бўлади. Ишлаб чиқариш омиллари эса фойданинг шаклланишида иштирок этувчи ишлаб чиқариш жараёнининг асосий элементлари - меҳнат предметлари ва воситалари ҳамда меҳнатнинг ўзи - мавжудлиги ва улардан фойдаланишни акс эттиради.

Хўжалик фаолиятини амалга ошириш жараёнида маҳсулот ишлаб чиқариш, сотиш ва фойда олиш билан боғлиқ бўлган корхоналарда бу омиллар ўзаро алоқада ва бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлади.

Рентабелликнинг моҳиятини фақат фойда шаклланишини таҳлил

килиш асосида очиб бериш мумкин. Корхона маҳсулотни сотиш натижасида ўз харажатларини қоплашдан ташқари фойда ҳам олган тақдирда рентабелли ҳисобланади.

Оғир молиявий аҳволда бўлган корхонада амалий фаоллик, рентабеллик ва мавжуд активлар унумдорлигининг паст кўрсаткичлари кузатилади. Молиявий-хўжалик фаолиятининг зарар кўриши корхона банкротлик хатари олдида турганлигидан далолат бсради. Бироқ, бу зарар кўриб ишлаётган ҳар бир корхона дарҳол банкрот бўлади, деган маънони билдирмайди. Зарар кўриб ишлаш вақтинчалик бўлиши мумкин, корхона раҳбарияти ва менежерлари самарабахш қарорларга келиб, уни бундай ҳолатдан чиқари-ши эҳтимолдан холи эмас. Бошқа томондан, юқори рентабеллик банкрот бўлиш хатаридан халос этмайди, чунки корхона фойда олган тақдирда ҳам ҳисоб-китоб варағида эркин маблағга эга бўлмай, кредиторлар билан ҳисоб-китоб қила олмайди, зеро, узиш муддати чўзиб юборилган кредиторлик қарзининг мавжудлиги банкротликнинг асосий аломатидир.

Бу жиҳатдан француз мгутахассислари қизиқарли маъ-тумотларни берадилар. Банкрот бўлган корхоналарни текшириш чоғида зарар кўриб ишлаётган корхоналар 38 фоизни ташкил этган, колган 62 фоиз эса рентабел корхоналар бўлган. Банкрот бўлган рентабел корхоналар ўз хусусиятлари бўйича қуйидаги тарзда тақсимланади (умумий якунга нисбатан фоизда):

- «заиф» - паст рентабелли ва молиявий нобарқарор корхоналар – 30 %
- «ўта нафсониятли» - паст рентабелликда ишлаб чиқариш ҳажмларини оширган корхоналар – 11%
- «нуфузли» - қониқарли рентабеллик ва молиявий барқарорлик кўрсаткичларига эга, бироқ хатарли товар сиёсатини юритган корхоналар – 8 %
- «ёш» - ўта юқори ўсиш суръатларига эга, паст рентабеллик ва чекланган асосий воситаларга эга корхоналар – 5%

- ликвидлик маблағлари доим етишмаган, рентабелликнинг қониқарли ва ликвидлик ҳамда молиявий барқарорликнинг қониқарсиз кўрсаткичларига эга бўлган корхоналар – 4%
- қатъий бошқарув тузилмасига эга, катта қўшимча харажатларга, қониқарли рентабеллик ва молиявий барқарорлик кўрсаткичлари билан иштаган корхона-лар – 4%

Юқорида айтилган корхоналар гуруҳларининг банкрот бўлишининг бевосита сабаблари турличадир. Зарар кўриб ишлаётган ва паст рентабел корхоналар арзимас сабабга кўра, масалан, мижознинг банкрот бўлиши, век-сель учун ҳақ тўлашдаги узилишлар, муайян битим билан боғлиқ зарарлар ва ҳоказолар туфайли банкрот бўлиши мумкин. Рентабел корхоналар қуйидаги сабабларга кўра касод бўлади: 1) алоҳида лойиҳалар ва битимларни амалга оширишдаги жиддий муваффақиятсизликлар, зарар кўрсатаётган корхонатарни харид қилиш, фаолият турини ўзгартириш ва ишлаб чиқаришни диверсификациялаш ва бошқалар туфайли; 2) бозор конъюнктураси ўзгаришларини ҳисобга олмаган ҳолда мослашувчан маҳсулот турлари, инвестиция ва техника сиёсатини юриш натижасида; 3) корхонага боғлиқ бўлмаган ташқи сабабларга кўра (доимий хариддорнинг банкрот бўлиши, солиқлар ставкалари ва бож тарифларининг ноқулай ўзгариши, кредитлаш шартларини янада қатъийроқ белгилаш ва бошқалар).

Банкротликни таҳлил қилиш (ташҳис қўйиш)да фақат ликвидлик ва молиявий барқарорлик кўрсаткичларини эмас, балки рентабеллик, амалий фаоллик ва активлар унумлилигини ҳам текшириш керак. Фақат корхона фаолиятини тўлиқ текширишгина унинг иқтисодий ҳолати тўғрисида тўлиқ тасаввур бериши, яқин ва узоқ келажакда жиддий қийинчиликларга сабаб бўлиши мумкин бўлган яширин нохуш жараёнларни аниқлаш имконини беради. Агар тўловга ноқобиллик ва молиявий нобарқарорлик — эҳтимолий банкрот бўлиш индикаторлари ҳисобланса, рентабеллик ва амалий фаолликнинг қониқарсиз кўрсаткичларига банкротликни албатта

белгилайдиган эмас, балки молиявий қийинчиликларни чуқурлаштирадиган, банкротлик эҳтимолини оширадиган жиҳатлар сифатида қараш лозим. Шундай қилиб, юқорида келтирилган маълумотлардан келиб чиқиб, банкрот бўлган корхоналарнинг 16 фоизи меъёрга рентабелликка эга бўлган; 28 фоизи эса сотиш ҳажмларини ҳатто мунтазам ошириб борган корхоналар эканлигини айтиш мумкин.

Корхона фаолиятини таҳлил қилишда фойданинг умумий суммаси билан бирга, у қандай харажатлар эвазига олинаётганлини, маблағлар қандай даражада айланаётганлигини билиш мулкдорлар, шериклар ва кредиторлар учун ўта аҳамиятли ҳисобланади. Шунинг учун корхонанинг молиявий ҳисоботида фойдалилик даражаси ва маблағлар айланишини ифода этувчи қуйидаги кўрсаткичлар акс эттирилади:

1. Активлар рентабеллиги. (P_a):

$$P_a = \frac{C\Phi}{ЖАйк}$$

у ерда: $C\Phi$ – соф фойда;

$ЖАйк$ – корхона жами активларининг ўртача йиллик қиймати.

2011 йилда $P_a = 48300 \cdot 100 / 840948 = 5.74\%$

2012 йилда $P_a = 83839 \cdot 100 / 1032180 = 8.12\%$

2013 йилда $P_a = 106257 \cdot 100 / 1116192 = 9.51\%$

2. Сотилган маҳсулот рентабеллиги (P_{cm}):

$$P_{cm} = \frac{C\Phi}{CCT}$$

Бу ерда: P_{cm} – сотилган маҳсулот рентабеллиги;

$ЯФ$ – ялпи фойда;

$C\Phi$ – соф фойда;

CCT – маҳсулот сотишдан соф тушум.

2011 йилда $P_{CM} = 48300 * 100 / 840948 = 5.7 \%$

2012 йилда $P_{CM} = 83839 * 100 / 1032180 = 8.1 \%$

2013 йилда $P_{CM} = 106257 * 100 / 1116192 = 9.5 \%$

3. Хусусий капитал рентабеллиги ($P_{хк}$):

$$P_{хк} = \frac{C\Phi}{XK}$$

Бу ерда: $C\Phi$ – соф фойда;

XK – хусусий капитал ўртача йиллик қиймати.

2011 йилда $P_{хк} = 48300 * 100 / 159237 = 30,3 \%$

2012 йилда $P_{хк} = 83839 * 100 / 290718 = 28,8 \%$

2013 йилда $P_{хк} = 106257 * 100 / 324330 = 32,7 \%$

4. Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари рентабеллиги ($P_{иx}$),

$$P_{иx} = \frac{C\Phi}{МИТ}$$

Бу ерда:

$C\Phi$ – соф фойда;

$МИТ$ – маҳсулот ишлаб чиқариш таннарихи.

2011 йилда $P_{иx} = 48300 * 100 / 624276 = 7.7\%$

2012 йилда $P_{иx} = 83839 * 100 / 726144 = 11.5\%$

2013 йилда $P_{иx} = 106257 * 100 / 888276 = 11.9\%$

5. Асосий воситалар рентабеллиги.

$P = \text{Соф фойда} * 100\% / \text{Асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати}$

2011 йил $48300 * 100 / 493492 = 9.7 \%$
2012 йил $83839 * 100 / 508272 = 16.4 \%$
2013 йил $106257 * 100 / 615072 = 17.2 \%$

6. Айланма (оборот) активлар рентабеллиги.

$$P = \text{Соф фойда} * 100\% / \text{Оборот активлар ўртача йиллик қиймати}$$

2011 йил $48300 * 100 / 391800 = 12.3 \%$
2012 йил $83839 * 100 / 543894 = 15.4 \%$
2013 йил $106257 * 100 / 584504 = 18.2 \%$

7. Қарз маблағлари рентабеллиги. Ушбу кўрсаткич корхона соф фойдасини қарзга олинган маблағларига нисбати асосида аниқланади. Бу кўрсаткич ҳар бир сўмлик қарз маблағига тўғри келадиган фойда суммасини ифодалайди.

$$\text{Соф фойда} * 100\% / \text{Қарз маблағлари жами}$$

2010 йил $40250 * 100 / 155610 = 25.8\%$
2011 йил $69866 * 100 / 176800 = 39.5 \%$
2012 йил $88548 * 100 / 191500 = 46.2\%$

Таҳлил корхонанинг молиявий ҳисоблари асосида охириги уч йилдаги молиявий кўрсаткичлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилади (20-жадвал).

“Jasminabonu prestij servis” МЧЖ нинг рентабеллик кўрсаткичлари, уларнинг турлари ва таъсир этувчи омиллар таҳлили (20-жадвал) маълумотларидан кўринадики, биз таҳлил қилаётган “Jasminabonu prestij servis” МЧЖ да 2013 йилда ўтган йилларга нисбатан аксарият рентабеллик турлари бўйича ўсиш кузатилган. Маълумотлардан кўринадики, 2011 йилда активлар рентабеллиги 5,74%ни ташкил этган бўлса, 2012 йили кескин ортиб 8,12%га етган, охириги йили ўзгариш унча катта бўлмаган ва 9,51%ни ташкил этган, давр охирига келиб

Корхонанинг рентабеллик кўрсаткичлари таҳлили

Кўрсаткичлар	Ҳисобот маълумотлари			2013й.да 2011й.га нисбатан фарқи,(+,-)
	2011й.	2012й.	2013й.	
1.Активлар рентабеллиги	5,74	8,12	9,51	+3.77
2. Сотиш рентабеллиги	5.7	8.1	9.5	+3.8
3.Хусусий капитал рентабеллиги	30,3	28,8	32,7	+2.4
4. Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари рентабеллиги	7.7	11.5	11.9	+4.2
5. Асосий воситалар рентабеллиги.	9.7	16.4	17.2	+7.5
6. Оборот активлар рентабеллиги.	12.3	15.4	18.2	+5.9
7. Қарз маблағлари рентабеллиги.	25.8	39.5	46.2	+20.4

Манба: корхона йиллик ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилди

умумий ўзгариш 3.77 фоиз пунктига тўғри келади. Бу активлар ўсишига нисбатан фойдани ўсиши юқорироқ бўлган.

Сотиш рентабеллиги ҳам қарийб икки баробарга ортиб 2013 йили 9.5%ни ташкил этган. Хусусий капитал рентабеллигида esa 2013 йили 32,7%ни ташкил этган, ўзгариш 2.4 фоиз пунктига тўғри келади.

Бу шундан далолат бермоқдаки, 2011-2013 йилларда корхонанинг самарадорлиги ошиб бораётганлигидан ҳамда унинг молиявий ҳолати яхшиланаётганлигидан далолатдир.

3.2. Енгил саноатда тўқимачилик маҳсулотларининг асосий турларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш

Мамлакат иқтисодиётининг рақобатдошлигини ҳамда Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни жумладан, таркибий ўзгаришларни амалга ошириш шароитида енгил саноатни ҳар томонлама ривожлантириш ҳамда унинг иқтисодий салоҳиятидан имкон қадар тўлароқ фойдаланиш устувор вазифалардан бирига айланди. Шунга кўра, мамлакатдаги саноат сиёсатининг марказий бўғини сифатида тармоқда кенг қамровли модернизациялаш тадбирларининг амалга оширилиши белгилаб олинди. Бунинг учун енгил саноат таркибига кирувчи турли тармоқ корхоналарини модернизациялаш ва техник қайта қуrolлантириш дастурлари ишлаб чиқилиб, уларнинг асосий мақсади – тармоқнинг барқарор ривожланишини таъминлаш, тайёр рақобатбардош маҳсулотни ишлаб чиқариш бўйича қувватларни кўпайтиришни рағбатлантириш, экспортга маҳсулот чиқариш ҳажмини ошириш, шунингдек, корхоналарни модернизациялаш ва техник жиҳатдан қайта қуrolлантириш ҳисобига янги ишчи ўринларини яратиш ҳисобланади.

Бугун тўқимачилик саноати – мутахассисларнинг фикрича, мавжуд шарт-шароитлар ва ресурслар билан таъминланганлик ҳолатида чуқур қайта ишланувчи маҳсулотларнинг етакчи ишлаб чиқаришига айланиши мумкин бўлган соҳа ҳисобланади. Самарали бошқарув билан уйғунлашган ҳолдаги янги ишлаб чиқариш технологияларининг жорий этилиши тўқимачилик корхоналаридаги нисбатан юқори меҳнат унумдорлигини таъминлайди. Тармоқни модернизациялаш доирасида газламаларни бўйаш тизимига янгича ёндашувлар белгилаб олинган. Эндиликда республикамизга нафақат бўёвчи моддаларни, балки уларни ишлаб чиқарувчи технологияларни олиб келиш режалаштирилмоқда¹⁹.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, тўқимачилик тармоғига киритилган 1 млн. доллар инвестиция эвазига 45-50 нафар ишчи ўрнини

¹⁹ Аипова Дж. Текстильный двигатель // Правда Востока, 24 апреля 2007 года, с.1.

яратиш мумкин. Бу машинасозликка нисбатан 3-4 баравар, ёқилғи-энергетика комплексига нисбатан 5-6 баравар кўпдир. Мазкур ҳолат енгил саноат тармоғидаги инвестиция сиёсатининг янги концепциясини вужудга келтириб, у енгил саноатини ривожлантиришни рағбатлантириш йўли билан аҳоли бандлигини оширишнинг ижтимоий барқарорликнинг муҳим омилига айланишини намоён этади.

Ҳозирда бутун Марказий Осиё минтақасида етиштирилувчи пилла умумий ҳажмининг 80 фоизи Ўзбекистон ҳиссасига тўғри келади. Ипакчилик соҳасининг ҳам ашё базасини ривожлантириш билан бир қаторда мамлакатимизда хорижий инвестицияларни жалб этган ҳолда ипак ҳам ашёси толалари ва ипак газламаларни ишлаб чиқаришни модернизациялаш дастури муваффақиятли амалга оширилмоқда. Жумладан, мамлакатимиз ипакчилик тармоғини модернизациялаш борасида Фарғона шаҳрида ташкил этилган “SILVER SILK” қўшма корхонаси фаолиятининг йўлга қўйилиши яққол намуна ҳисобланади. Қўшма корхонанинг маҳсулоти – кумуш ипак тасма жаҳон андозаларининг барча кўрсаткичларига мувофиқ келади. Ушбу маҳсулот бугунги кунда Хитой, Япония, Польша, Вьетнам, Италия, Ҳиндистон, Жанубий Корея мамлакатларига экспорт қилинмоқда.

Корхона тўлиқ замонавий технологиялар билан жиҳозланган. Агар технологик жараёнда озгина камчиликка йўл қўйилса, бу дарров компьютерлар орқали қайд этилади. Ишлаб чиқариш замонавий лаборатория билан жиҳозланган. Янги ишлаб чиқариш чиқитсиз бўлиб, ҳатто пилланинг ичидаги қолдиқлар ҳам паррандачилик комплексларига озуқа сифатида жўнатишмоқда. Келгусида маҳаллий ипак толаларидан тайёр газламалар тўқиш кўзда тутилмоқда²⁰.

Енгил саноат тармоғи имконият ва салоҳиятидан тўлароқ фойдаланиш кўп жиҳатдан маҳсулот ишлаб чиқариш диверсификациясини амалга ошириш билан боғлиқдир. Узоқ йиллар давомида фақат пахта

²⁰ Ватанияр Н. Большой бизнес компаньонов // Правда Востока, 24 апреля 2007 года, с.1-2.

толасини экспорт қилиб келган республика бугунги кунда жаҳон тўқимачилик бозорида нафақат пахта толасини етказиб берувчи сифатида, балки тўқимачилик маҳсулоти, айниқса, тайёр маҳсулот экспортёри сифатида етакчи ўринларни эгаллаш борасида чекланмаган имкониятларга эга. Бунинг учун эса тармоқда модернизациялаш ва диверсификациялаш жараёнлари изчил ва жадал равишда амалга ошириб борилмоқда. Масалан, 2009 йилдан ички бозорда катта эҳтиёжга эга бўлган кўйлақлар, жинси, костюмлар газламаларининг кенг ассортименти, ёрдамчи кимёвий материалларнинг ҳар хил турларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Шунингдек, енгил саноат маҳсулотлари экспортини диверсификациялаш, яъни экспорт географиясини мунтазам равишда кенгайтириб бориш муҳим ҳисобланади. Бунда кўплаб амалий чоратadbирлар билан бир қаторда халқаро ва минтақавий кўргазма ҳамда ярмаркалардан фойдаланиш ўз самарасини бермоқда.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, чет эл сармояси ўз-ўзидан келавермайди. У инвесторлар учун қулай муҳит яратилган давлатларгагина йўналтирилади. Ўзбекистонда ана шундай шарт-шароитларнинг мавжудлиги боис кўплаб хорижий давлатлар инвесторлари ўз фаолиятини шу ерда йўлга қўйишга интиломоқдалар. Анъанавий ўтказиб келинаётган кўргазмалар, ўз навбатида, ички бозорда ҳамкорлар топишга кўмаклашмоқда²¹. "Тўқимачилик ускуналари ва технологиялари" кўргазмаси дастлаб 2004 йилда "Текстиль ва Мода —Textile Expo Uzbekistan" кўргазмаси доирасида ўтказилган эди. Аммо қисқа давр ичида унинг нуфузи йил сайин ошиб, иштирокчи компаниялар сафи қарийб тўрт баробарга кенгайди. Шу билан бирга, ташриф буюрувчи мамлакатлар географияси ҳам кенгайиб бораётир. Ҳозирда Австрия, Бельгия, Беларусь, Буюк Британия, Германия, Ҳиндистон, Италия, ХХР, Нидерландия,

²¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. - 2010. – 340 бет.

Польша, Жанубий Корея, Россия, АҚШ, Туркия, Франция ва Швейцария сингари жаҳоннинг кўплаб давлатларидан 180 га яқин компаниялар ўз маҳсулотлари билан қатнашиб келмоқдалар. Унда пахта хом ашёси ва толасини қайта ишлаш ускуналаридан ташқари, эҳтиёт қисм ҳамда бутловчи буюмлар, турли кимёвий воситалар ва бўёқлар, тайёр ва яримтайёр маҳсулотлар кенг ҳажмда намоиш этилади.

Халқаро экспертларнинг эътироф этишича, жаҳон тўқимачилик бозори Осиё давлатлари, хусусан, Ўзбекистон томон оғмоқда. Нега деганда, бу ерда етиштирилган хом ашёнинг сифати юқори ва саноатбоп.

Шунинг учун ўзбек толасига талабгорлар бисёр. Қолаверса, қайта ишлашга энг замонавий технологиялар жалб этилаяптики, бу дунё бозорида харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини вужудга келтирмоқда. Шу боис кўргазмага дунёнинг етакчи компаниялари томонидан энг илғор линиялар ва ускуналар тақдим этилди. Хорижий шериклар билан имзоланган шартномалар, эришилган келишув ва битимлар истикболда республикамиз енгил саноат тармоғининг янада ривожланишига, импорт ўрнини босувчи маҳсулот тайёрлашни кўпайтиришга хизмат қилиши, шубҳасиз. Зотан, тадбирлардан кўзланган мақсад ҳам иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини ошириш шароитида ишлаб чиқарувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни тежамкор технологиялар билан таъминлашдан иборат. Бунга, ишонч билан айтиш мумкинки, тўлиқ эришилди.

3.3. Енгил саноат таркибини такомиллаштиришнинг стратегик йўналишлари

Ўзбекистонда самарали иқтисодиётни яратишнинг асосий шarti бўлиб, унинг тармоқларини тубдан қайта қуриш ҳисобланади. Республика ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ҳозирги босқичи иқтисодиётни эркинлаштириш билан характерланиб, бу босқичда таркибий сиёсат

йўналишларини ва шаклларини аниқдаш ҳамда уларни амалга ошириш механизминини ишлаб чиқиш зарур.

Таркибий қайта қуриш иктисодиётда умумдавлат макроиктисодий тартиблаш тизимининг муҳим қисми ҳисобланиб, жамиятни стратегик устувор ривожланишидан келиб чиқади. У давлат суверенитета устивор манфаатини, иктисодий, ижтимоий ва молиявий мустақиллигини таъминлайди, ҳамда республика иктисодиёти таркибини жаҳон ривожланган мамлакатлари иктисодиёти таркибига яқинлаштиради.

Мустақиллик йиллари давомида четдан келтириладиган маҳсулотларни ўрнини республикада ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан босиш дастурини амалга ошириш натижасида Ўзбекистон энергия ресурслари мустақиллигига эришилди ва аҳолининг озиқ-овқатга бўлган талабини ички ишлаб чиқариш ҳажминини қоплатириш натижасида сезиларли силжишлар бўлди. Ҳукуматимиз ўтказадиган саноат сиёсати мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ривожлантиришга асосланди. Ўзбекистон Республикасида миллий валюта курсини алмаштириш сиёсати ишлаб чиқарувчиларнинг ускуналарни импорт қилишга йўл очилишини таъминлади.

Бу йўналишдаги сезиларли даражада эришилган ютуқларга қарамадан саноат сиёсатини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган муаммолар келиб чиқди. Улардан асосийси миллий бозор ҳажми чекланганлиги ва маҳсулотларнинг кўп турларини етарли даражада рақобатбардош эмаслиги бу эса ўз навбатида ишлаб чиқариш қўламадан етарли самара олишга имконият бермайди ва мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятига ижобий таъсир кўрсатмайди. Натижада иктисодий жиҳатдан жаҳон иктисодиёти замонавий тенденциясининг ҳисобга олинган ҳолда ривожланишини ва биринчи навбатда жаҳон иктисодий тизимига глобаллашувини етарли даражада таъминлай олмайди. Глобаллашув замонавий жаҳон жараёнини ҳаракатлантирувчи куч ҳисобланади ва у халқаро савдонинг фаол ўсиши, халқаро капиталнинг салоҳиятидан

фойдаланиш билан боглик бўлган янги имкониятлар билан баҳоланади. Истиқболда мамлакатимиз иктисодиётидаги таркибий ташкиллантиришга глобаллашув жараёнидан келиб чикадиган куйидаги потенциал хатарлар таъсир қилиши мумкин:

- жаҳон савдо ташкилоти қоидалари экспорт субсидияларига чеклашларни, инвестиция фаолиятида чет элликларни дискриминациясини ман этиш, экспорт ва импортни мажбурий лицензиялашга йўл қўймаслик, саноат товарларига юкори импорт тарифи;

- савдо ва инвестиция оқимининг очиклигини ўсиб бориши натижасида нобарқарорлик хатарининг ўсиши халқаро ташкилотлар томонидан молиявий очиклик талабини кучайтирилиши, чет эл инвестициясини мумкин бўлган сезиларли қайта оқими.

Барча мамлакатлар иктисодиётнинг ўтиш даврида хўжалик тизимининг трансформациялар жараёнида иктисодиётни қайта шакллантириш муаммоси билан тўқнашади. Ўзбекистон Республикаси мустакилликка эришгандан сўнг ҳукукий давлат каби ўзининг бозор иктисодиётига ўтиш ва таркибий ўзгариш дастурини ишлаб чиқди. Бу ўзгаришларнинг ўзига хос йўллари, усул ва услубларини эътиборга олиб Ўзбекистон иктисоднётининг таркибий ўзгаришлар дастури бозор муносабатларининг шаклланши дастурининг негизи ҳисобланади.

Таркибий қайта қуришда асосий эътибор ишлаб чиқариш суръатларни пасайишнинг йўқотишга, макроиктисодий барқарорликка эришишга, корхоналарни энг янги замонавий технологиялар ва ускуналар билан таъминлашга, ижтимоий ишлаб чиқаришда нодавлат секторининг улушини оширишга қаратилади.

Таркибий қайта қуришда чуқур ўзгаришларни амалга ошириш иктисодий барқарорликка эришишнинг, Ўзбекистоннинг истиқболда барқарор иктисодий ўсишини ва аҳоли фаровонлигини таъминлашнинг, жаҳон иктисодий тизимида қўшилишнинг асосий шартларидан биридир.

Хом ашё етиштиришга каратилган, чукур худудий номутаносибликларга ҳамда маънавий ва жисмоний жихатдан эскирган ишлаб чиқариш базасига эга бўлган иктисодиётни замон талабига жавоб берувчи иктисодиётга айлантириш учун куйидаги таркибий ўзгаришларни амалга ошириш зарур вазифаларидан ҳисобланади:

- хом ашё етиштиришга мўлжалланган иктисодиётимизнинг бир томонламалигини қатъиян бартараф этиш;
- тармок тузилишини тубдан узгартириш;
- тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш;
- маҳсулот сифати ва ракобатбардошлигини жахон бозори талаблари даражасига етказиш;
- ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш ва жойлаштиришда йўл куйилган номутаносибликни тугатиш;

Таркибий ўзгаришлар ҳар бир мамлакатда ўзига хос хусусиятга эга. Ўзбекистон иктисодиётининг таркибини шаклланишида куйидаги ўзига хос хусусиятларини кўрсатиш мумкин:

- иктисолиётнинг хом ашё ишлаб чиқариш йўналиши;
- ЯИМ яратишда кишлоқ хужалигининг миқдорий улуши юқори на уларда банд бўлган аҳоли улушининг куплиги;
- экспортга мўлжалланган ишлаб чиқариш улушининг пастлиги;
- ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфраструктуранинг ривожланиш даражасининг пастлиги;
- саноат асосан Собик Иттифокнинг саноат районларининг хом ашёга бўлган талабини ҳисобга олиб шаклланганлиги.

Ўзбекистон Республикаси иктисодиётини таркибий қайта шакллантириш и амалга ошириш фаол инвестиция сиёсатини юритиш билан боғлиқдир. Ўзбекистон иктисодида таркибий ўзгаришларнинг талаби ва унинг самарадорлигининг юксалтиришнинг зарурияти инвестиция миқдорини купайтиришни талаб қилади. Инвестиция фаоллигини ошириш масаласини давлатнинг тўғридан-тўғри аралашиши

билан ҳал килиш мумкин эмас. Бунда хусусий инвесторлар учун реал жамғармаларнинг ўсишига имкон яратадиган ва жамғармаларнинг инвестицияга айланишини самарали тезлатадиган қулай муҳитни шакллантириш лозим.


Чет эл инвестициялари таркибий қайта ташкил этишда муҳим ўрин тутати. Чет эл инвестициясини жалб қилмасдан иктисодиётни такомиллаштириб бўлмайди, корхоналарни замонавий техника билан жихозлаш ва рақобатбардош маҳсулот чиқаришни йўлга қўйиш мушкулдир. Шу мақсадда Ўзбекистонда инвестиция учун қулай инвестицион муҳит яратилган ва у доимо такомиллаштирилмоқда.

Лекин чет эл инвестициясининг асосий қисми давлат кафолати асосида жалб қилинмоқда. Давлат сиёсатининг хусусий инвесторларга нисбатан асосий масаласи уларнинг фаолиятига аралашмасдан уларни Ўзбекистон бозорига жалб қиладиган қулай иш шароити яратишдан иборат.

Таркибий қайта қуриш иктисодиётни бозор моделига ўтишининг биринчи босқичидаги алоқида хусусиятн бўлиб. таркибий сиёсат ва инвестиция стратегиясини ҳамда устивор ривожланишни аниқлашда. бошқаришнинг юқори поғонасида қарорларни қабул қилншда амалга оширилади. Бу босқичда давлат қаттиқ иктисодий сиёсат ўтказиши ва айрим вақтда маъмурий чоралар қўриши таркибий ташкилллантириш соҳасида ягона қучли тадбир ҳисобланади. Бунда давлат уз бошқарув органлари орқали фақат таркибий силжишларнинг регуляторидан фойдаланади .

Эркинлаштрриш ва ислохотлапни чуқурлаштириш шаромтида иктисодий тизимда муқобил таркибни шакллантириш зарурияти тугилади.

2009-2013 йилларда соҳада инвестицияларни ўзлаштириш
динамикаси (млн. долларда)



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 ноябрдаги ПҚ-1855 сонли “2013 йил Давлат инвестиция Дастури тўғрисида”ги қарорига мувофиқ “Ўзбекенгилсаноат” ДАК томонидан 2013 йилга 18 та лойиҳа бўйича жами 147,7 млн. долларга тенг бўлган инвестициялар ўзлаштириш белгиланган.

2013 йилда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари:
2013 йилда 30 та корхона ишга туширилади, 76 та ҳудудий инвестицион лойиҳалар амалга оширилади, барча туманларда 1160 та тикувчилик цехлари ташкил этилади.

“Ўзбекенгилсаноат” компанияси томонидан амалга ошириладиган вазифалари:

- технология жараёнларини танлаш;
- хом-ашё таъминоти;
- ташқи ва ички бозорни аниқлаш.

Туман ҳокимликларининг амалга оширадиган вазифалари:

- лойиҳа ташаббускорларини танлаш;
- лойиҳалаштириш;

- лойиха учун жой ажратиш;
- молиялаштириш манбаини аниқлаш;
- ишчи кучлари билан таъминлаш.

Инвестиция лойихалари амалга ошириш ТАРТИБИ:

- Лойиха ташаббускорларини танлаш
- Жой ажратиш ва таъмирлаш
- Дастгоҳ олиш учун шартнома тузиш
- Лойихалаштириш
- Технология жараёнларини танлаш
- Молиялаштириш
- Дастгоҳ келиши ва монтаж
- Хом ашё билан таъминлаш
- Ишлаб чиқаришни бошлаш

Иктисодиётни муқобил таркибида устивор ривожланиш йўналишлари илмий-техника тараққиётини ишлаб чиқаришга тадбиқ қилишни таъминлайдиган, янги ишлаб чиқариш ресурсларига бўлган талабни ўсишини, мамлакатни тенг ҳуқуқлилик асосида халқаро алоқаларда қатнашиши ва барқарор иктисодий ўсиш даражасига эришишини таъминлайдиган тармоқлар ва фаолият турларига қаратилиши керак.

Енгил саноатда муқобил таркибни шакллантириш жараёнига қуйидаги муҳим омиллар таъсир кўрсатиши мумкин:

- бозор муносабатларига ўтиш даражаси;
- бошқариш тизими;
- иктисодий ривожланиш ва унга мўлжал қилинган ижтимоий талаблар тизими;
- техника ва технологиянинг ривожланиши ва уларнинг ишлаб чиқаришда қўлланиши;
- меҳнат ресурсларининг миқдорий ва сифат кўрсаткичлари;

- ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви;
- ташқи иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши ва жаҳон бозорида ўзаро алмашиш шарт;
- у ёки бу тармоқнинг ривожланиш даражаси, иккинчи томондан самарасиз ишлаб чиқаришнинг тугатилиши.

Республика енгил саноатидаги таркибий силжишларда асосий эътибор асосан -фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқариш йўналишларининг ривожланишига ўратилиши лозим. Енгил саноат тармоқларида ишлаб чиқарилган маҳсулот таркибида тайёр маҳсулотларнинг улуши доимо ўсиб боради керак.

Қайта ишлаш саноати тармоқларининг тезкор ривожланиши иқтисодиёт таркибининг меҳнат урумдорлиги юқори бўлган тармоқлар тарафига диверсификация қилишни таъминлайди, бошқа тармоқларни саноатлаштириш учун замин бўлади. Ўз навбатида иқтисодиётнинг диверсификацияси тармоқлараро алоқани кучайтиради, оралиқ ва тайёр маҳсулотлар бозорини кучайтиради. Янги тармоқ ва ишлаб чиқаришлар яратилиши ҳам ашё тармоқларига, маҳаллий табиий ресурсга, янги технологияга асосланади. Инфратузилма тармоқлари хусусан транспорт, омбор хўжалиги ва бошқалар устивор ривожланиши керак.

Иқтисодиётнинг таркибини шакллантириш ва такомиллаштиришда инвестицияни илмий асосланган тақсимоли муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Деярли барча янги сифат босқичига ўтган мамлакатларнинг тажрибаси бозор иқтисодига инвестиция муҳити биринчи бўлиб ижтимоий талаблар ва уларни таъминловчи иқтисодий имкониятлар ўртасидаги юзага келган номуносибликка таъсир этишини кўрсатади.

Иқтисодиётни таркибий қайта шакллантиришга инвестициянинг факат ҳажми ва таркиби эмас, балки молиялаштириш характери ҳам таъсир кўрсатади. Иқтисодиётни қайта шакллантиришда зарур инвестиция ресурсларини жалб қилиш ва уларни иқтисодиётнинг илғор тармоқ ва секторларни тезкор ривожлантириш - мақсадида келгусида фойдаланиш

мураккаб ҳисобланади. Бозор ислохотларининг бошланғич босқичида кўпчилик тижорат банклари қисқа муддатли опрецияларга ихтисослашгани учун давлат инвестиция, кредит ва солиқ сиёсатини юритиши мумкин.

Енгил саноат ишлаб чиқаришда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш Республикада амалга оширилаётган иктисодий ислохотларнинг стратегик вазифаларидан бири ҳисобланади. Енгил саноат таркибий тузилишини ўзгартириш иктисодий ўсишни таъминловчи ва аҳоли фаровонлигини ошиб боришига олиб келувчи ишлаб чиқариш тузилмасини яратишдан иборат.

Енгил саноатни ривожлантириш стратегияси:

- Ишлаётган корхоналарни қайта жиҳозлаш ва модернизациялаш
- Пахта толасини чуқур қайта ишлашни кенгайтириш
- Ички бозорни тўлдириш
- Янги иш ўринларини яратиш
- Тўқимачилик машинасозлигини тиклаш
- Юқори технологияли янги корхоналар ташкил этиш
- Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш
- Экспорт салоҳиятини юксалтириш
- Кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш

Иктисодий ислохотларнинг янги босқичи - иктисодиётни янада эркинлаштириш шароитида вужудга келаётган шарт-шароитлар ва бозор муносабатлари талаблари енгил саноат ривожланишида фан ва техниканинг тараққиётига, хорижий инвестицияларини жалб эташнинг имкониятидан фойдаланишга, ресурсларни тежайдиган ва экологик талабларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқаришни барпо этишга қаратилиши лозим. Енгил саноат ишлаб чиқаришида таркибий ўзгаришни амалга ошириш республика иктисодиётига ва унинг молиявий аҳволини яхшиланишига ижобий таъсир кўрсатади. Енгил саноатни таркибий қайта шакллантиришда корхоналарнинг ҳудудларда жойлашиши ҳам муҳим ўрин тутди. Чунки енгил саноат корхоналарини жойлаштириш

натижасида биринчидан янги ишчи ўринлари яратилиб, иш билан бандлик даражаси кўтарилади, иккинчидан маҳсулот ишлаб чиқариш ва ундан олинadиган даромад шу регионнинг миллий даромадини оширишга ҳисса қўшади.

Учинчи боб бўйича хулосалар

Юқоридагилардан хулоса чиқариш мумкинки, енгил саноат корхоналарида юқори меҳнат унумдорлиги ҳамда ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишини таъминлашда янги ишлаб чиқариш технологияларини жорий этиш, юқори унумли, замонавий асбоб-ускуналардан фойдаланишнинг ўзи етарли эмас. Чунки, енгил саноат тармоғини модернизация қилиш кўп жиҳатдан бошқарув тизимини ҳам такомиллаштиришни, хусусан, корпоратив бошқарув имкониятларидан фойдаланишни кенгайтириш, унинг таркибида инновацион усуллар салмоғини сезиларли даражада оширишни тақозо этади. Бунда муҳим жиҳатлардан бири – юқорида қайд этилган жараёнларни самарали бошқарув тизимини яратиш билан уйғун ҳолда олиб бориш зарур.

Шунга кўра ҳозирги шароитда мамлакатимиз енгил саноат тармоғини янада ривожлантиришнинг асосий устувор йўналишлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- енгил саноат маҳсулотини аҳоли, иқтисодиётнинг асосий тармоқлари ва муҳофаа эҳтиёжларини қондириш имконини берадиган ҳажмларда ишлаб чиқаришни таъминлаш. Бунда ҳам амалдаги қувватлардан фойдаланишни кўпайтириш ҳисобига, ҳам янги қувватларни ишга тушириш ҳисобига эришиш. Ресурс сиғими катта бўлган, шунингдек инвестицион қўйилмаларга кам эҳтиёжни намоён этувчи маҳсулотлар (трикотаж, тикувчилик ишлаб чиқариши маҳсулотлари) ишлаб чиқаришни кўпайтириш;

- миллий корхоналарнинг ички бозордаги мавқеини мустаҳкамлаш ва миллий маҳсулотларни истеъмол қилиш улушини ошириш;

Хулоса ва таклифлар

Енгил саноат тармоқларининг иқтисодий тахлили натижасида куйидаги номуносивбликлар аниқланди:

- тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга нисбатан хом ашё товарлари ишлаб чиқаришнинг юқорилиги (пахта тозалаш);

- ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотларнинг рақобатбардошлик даражасининг пастлиги;

- экспортга йўналтирилган ишлаб чиқариш улушининг камлиги;

- ишлаб чиқаришни хом ашё ва бутловчи материаллар билан таъминланишидаги номуносивблик;

- ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш учун бор бўлган бой маҳаллий ресурслардан нораціонал фойдаланиш;

- ташқи бсзорни ўрганиш учун олиб бориладиган маркетинг тадқиқотлари даражасининг пастлиги ва бошқалар.

Мавжуд муаммоларни ҳал қилишда куйидаги чораларни кўришни тавсия этилади:

- енгил саноатнинг ички ва ташқи бозорда юқори талабга эга бўлган маҳсулотлари ва замонавий технологияларига асосланган ҳолда енгил саноат ривожланишининг узок муддатли концепциясини ишлаб чиқиш;

- ташқи бозорда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун хом ашёдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган ўзаро боғлиқ мажмуани шакллантиришга ўтиш;

- чет эл инвестицияларини кенгайтирган ҳолда тайёр маҳсулотга йўналтирилган ишлаб чиқаришни технологик ва техник қайта жиҳозлаш;

- республика, концерн ва корпорациялар, корхоналар даражасида маркетинг тадқиқотларни кенгайтириш;

- малакали кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор бериш.

2013 йилда «Ўзбекенгилсаноат» ДАК компаниясида келажак вазибалари белгиланган:

- енгил саноатни ривожлантириш стратегияси нафақат тугалланмаган

босқичга (ип калава ва хом газлама) йўналтирилган, балки тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтиришни ташкил этиш;

- лойиҳаларни амалга оширишда ҳудудларнинг эҳтиёжини қондириш билан мавжуд хом ашё манбалари ва ишчи кучларини ишлаб чиқаришга жалб қилиш;
- 2013 - 2015 йиллирга мўлжалланган дастур доирасида кўрилидиган чоралар натижасида саноат маҳсулотларининг ўсиш суръатини йилига 120 фоизга, экспорт ўсишини 10 фоизга, ички бозор эҳтиёжини қондириш вазифаларидан иборат.

Иқтисодиёт тармоқларида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш бугун ишлаб чиқаришни жадал суръатлар билан ривожлантиришнинг энг асосий омили ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқаришнинг мақсади, моҳияти ва иқтисодий самарадорлиги кўшилган киймат яратиш ва фойда олиш билан белгиланади. Енгил саноатда самарадорлик иқтисодий самаранинг сарфланган ресурсларга бўлган нисбати билан аниқланади. Иқтисодий самара яратилган ялпи ички маҳсулот, ялпи миллий даромад, ялпи соф маҳсулот ва ялпи соф даромад орқали ифодаланади. Сарфланган ресурслар ялпи меҳнат, ялпи хом ашё, ялпи фондлар ва ялпи инвестицияларда ўз аксини топади.

Иқтисодий самарадорлик даражасини таҳлил қилишда бир-бири билан узвий боғланган ва бир-бирини тўлдирадиган кўрсаткичлар тизими ишлатилади. Улар ёрдамида самарадорликнинг турли кўрсаткичларини ва уларнинг йўналишларини киёслаш мумкин бўлади. Шунингдек самарадорлик даражасига таъсир килувчи омилларни аниқдашга имконият яратилади. Енгил саноат тармоқлари доирасида «оксок» жойларни аниқлашга, асосий таъсир килувчи омилларни танлашга ва тармоқларда қандай иқтисодий сиёсат олиб бориш йўналишларини белгилашга ёрдам беради. Енгил саноат истиқболдаги ривожланиш самарадорлигини баҳолашда ИҲТ кўрсаткичларидан келиб чиққан ҳолда ва иқтисодий-математик усуллардан фойдаланиб ижобий натижалар олинди.

Ушбу ижобий натижаларга эришиш ва енгил саноат баркарор ривожланишини таъминлаш учун куйидаги механизмлардан фойдаланишни тавсия этиш мумкин:

Бу механизмларни уч гуруҳга бўлиш мумкин: ҳукукий-меъёрий, иктисодий ва ташкилий.

Ҳукукий-меъёрий механизмлар куйидагилардан иборат:

- енгил саноат ривожланишини тартибга солишда давлат фаолиятини чегаралаш буйича ҳукукий-меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш;
- хусусий тадбиркорликни кўллаб-қувватлаш давлат тизимини такомиллаштириш;

Иктисодий механизмлар куйидагилардан ташкил топган:

- тармоқларни баркарор ривожланиши учун "Енгил саноатни ривожлантириш фонди" ни ташкил этиш;
- енгил саноат корхоналарини модернизация қилишни тезлаштириш мақсадида амортизация чегирмаларини меъёрини ошириш.

Ташкилий механизм:

- тайёр маҳсулотлар сифатини ҳалқаро андозаларга мослаш мақсадида стандартлар ва дизайн хизматларини такомиллаштириш;
- енгил саноат тармоқлари учун кадрлар тайёрлаш ва малакасини оширишни узлуксиз олиб боришни ташкил қилиш;
- корхоналардаги ишлаб чиқариш жараёнларини таҳлил қилиш ва самарали бошқариш мақсадида илмий техник ва ахборот технологияси маркази тузиш.

Таклиф этилаётган механизмлар мажмуасини амалиётга жорий қилиш келажакда аҳолини енгил саноат маҳсулотларига бўлган талабини тўлароқ қондириш, иш билан таъминлаш ва аҳоли фаровонлигини ошириш ҳамда тармоқ экспорт салоҳиятини ўсишига хизмат қилади, натижада енгил саноатнинг баркарор ривожланишини таъминлайди.

Фойданилган адабиётлар руйхати

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2010.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Рақобат тўғрисида»ги Қонуни //«Халқ сўзи» газетаси. 7 январ 2012 йил
3. Ўзбекистон Республикасининг «Хусусий корхоналар тўғрисида»ги Қонуни. Қонун ва қарорлар. -Т.: Ўзбекистон, 2011.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни 1996 йил 26 апрель // Тадбиркорликка оид қонун ҳужжатлари тўплами. 1 том. - Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2011.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонуни 2001 йил 6 декабрь // Тадбиркорликка оид қонун ҳужжатлари тўплами. 1 том. - Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2011.
6. «Хўжалик ширкатлари тўғрисида»ги Қонуни 2001 йил 6 декабрь // Тадбиркорликка оид қонун ҳужжатлари тўплами. 1 том. - Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2011.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси саноатни 2011-2015 йилларда ривожлантириш Дастури тўғрисида»ги 2010 йил 15 декабрдаги ПҚ-1442-сонли Қарори;
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ва ишлаб чиқариш ҳажмларини кенгайтириш бўйича бирламчи чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2011 йил 4 октябрдаги ПҚ-1623-сонли қарори;
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2013 йилга мўлжалланган Давлат инвестиция дастури тўғрисида» ги 2012 йил 21

ноябрдаги ПҚ-1855—сонли қарори (2013 йил давомида 16 лойиҳалар бўйича 148 млн.долл. миқдорида инвестициялар ўзлаштирилиши кутилмоқда);

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2012-2015 йилларда ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва ноозик-овқат маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2012 йил 2 августдаги 234-сонли қарори;

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 26 мартдаги “Экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришни кучайтириш ва рақобатбардош маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги №ПҚ-1731 сонли Қарори;

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 15.12.2010 й. № ПҚ-1442 сонли «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида» ги Қарори.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 4 октябрдаги 1623-сонли «Янги турдаги рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ўзлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори

14. «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. // Халқ сўзи, 11 апрел 2012й.

15. “Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони.// Халқ сўзи, 15 март 2007 й.

16. Президентининг «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини кўллаб-қувватлаш, уларни барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги (2010 йил 28 ноябрь) 4058-сонли Фармони

17. «Саноат тармоқлари корхоналарининг маънавий эскирган ва ейилган асбоб-ускуналарини жадал янгилашга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 апрельдаги Қарори. Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 17-сон

18. «Йирик корхоналар ва ишлаб чиқаришларда технологик асбоб-ускуналар ва технологияларнинг техник аудитини ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 15 мартдаги Қарори. Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 10-11-сон, 103-модда

19. «2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг қарори // Халқ сўзи, 2013 йил 19 январь

20. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 ноябрдаги “Саноатда ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш ва маҳсулот таннархини пасайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги №333 сонли Қарори;

III. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

21. И.Каримов. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. // Халқ сўзи, 2014 йил 18 январь.

22. И.Каримов. Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. // Халқ сўзи, 2013 йил 19 январь.

23. Каримов И.А. 2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон

Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналашларга бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2012 йил 20 январь.

24. Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш - мамлакатимиз тарақиётининг асосий мезонидир.—Т.: 19.Т. Ўзбекистон, 2011.

25. Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз — демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2011 йил 8 декабрь.

26. Каримов И.А. Банк тизими пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. — Т.: «Ўзбекистон» 2005 йил. 211 — бет.

27. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза), “Халқ сўзи”, 2010 йил 13 ноябрь (№ 220)

28. И. Каримов. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади (Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасидаги маърузаси). // Халқ сўзи, 22 январ 2011 й.

29. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. — Т: Ўзбекистон, 2009. — 56 б.

30. Каримов И.А. Мамлакатимиз тараққиётининг қонуний асосларини мустаҳкамлаш фаолиятимиз мезони бўлиши даркор. Халқ сўзи, 2006 йил 25 феврал.

31. Каримов И.А. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. Халқ сўзи, 2006 йил 11 феврал.

32. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. -Т.: Ўзбекистон, 2005, - 92 б.

IV. Асосий адабиётлар

33. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2012 йилнингасосий якунлари ва 2013 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: “O’qituvchi” НМИУ. - 2013. – 373 бет.

34. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт. - 2012. – 282 бет.

35. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. Тошкент: “Иқтисодиёт” нашриёти, 2010. – 280 бет.

36. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. - 2010. – 340 бет.

37. Б.Ю.Ходиев, А.Ш.Бекмуродов ва бошқалар. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. - 2009. – 340 бет.

38. Бизнес-планирование: учебник/ под ред. В.М.Попова и др.- 2е изд., перераб.и доп.- М.: Финансы и статистика, 2009.- 816 с.

39. Пелих А.С. Бизнес - план или как организовать собственный бизнес.- 4- е изд., перераб. и доп .- М.: «Ось-89» , 2008.- 112 с.

40. Романова М.В. Бизнес- планирование: учебное пособие.- М.: ИД «ФОРУМ»: ИНФРА-М, 2008.- 240 с.

41. Петров К.Н. Как разработать бизнес - план. Практ. пособие с примерами и шаблонами, 2- е изд.: М.: «ООО И.Д. Вильямс», 2008.- 384 с.

42. Моран Гвен. Бизнес план.- изд. 2- е.- М.: АСТ, 2008.- 320 с.

43. Рябых Д., Захарова Е. Бизнес - планирование на компьютере (+CD с уникальной коллекцией бизнес- планов и программы).- СПб.: Питер, 2009.- 240 с. 2 экз.

44. Сборник бизнес – планов: практ. пособие. / под ред.Ю.Н. Лапыгина.- М.: «Омега-Л» , 2008.-310 с.

45. Попов В.М. Финансовый бизнес-план : учеб. пособие.- 2- изд.- М.: Финансы и сатистика, 2007.- 464 с.

46. Абдукаримов И.Т. ва бошқалар. Корхона иқтисодий салоҳияти таҳлили. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2010, – 256 б.

47. Ваҳобов ва бошқ. Молиявий ва бошқарув таҳлили: Дарслик. – Т.: “Шарқ”, 2010. – 480 б.

48. Maxmudov E.X., Isoqov M.Yu. Biznes - rejalashtirish. O’quv qo’llanma. –Т.: O’zbekiston yozuvchilar uyushmasi Adabiyot jamg’armasi nashriyoti, 2005, – 160 b.

49. Махмудов Э.Х. Корхона иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. –Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2004, – 208 б.

50. Акромов Э.А Корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлили. – Т.: Молия, 2010, -223 б.

51. Ходиев Б.Ю., Шодмонов Ш.Ш., Ғафуров У.В. Мамлакатни жадал ислоҳ этиш ва модернизация қилиш – миллий тараққиётимизнинг мантикий босқичи: Илмий-оммабоп рисола. – Т.: ТДИУ, 2010. – 53 б.

V. Қўшимча адабиётлар

52. Рябых Д.А., Гладкий А.А. Бизнес план на практике. Опыт успеха в России. 28 реализованных бизнес-планов (+CD).- СПб.: Питер, 2008.- 208 с.

53. Скворцов Н.Н. Бизнес-план предприятия. – К.: Вища школа, 2005. – 380 с.

54. Висящев В.А., Поважный С.Т. Бизнес-планирование: теория и практика. – Донецк: Нордкомпьютер, 2009. – 244 с.

55. Стратегическое планирование. / Под ред. Э.А. Уткина. – М.: Ассоциация авторов и издателей “ТАНДЕМ”. Изд-во ЭКМОС, 2008. – 440 с.

56. Кантор Е.Л, и др. Экономика предприятия. – СПб.: Питер, 2009. – 224 с.

VI. Даврий нашрлар, статистик тўплamlар ва ҳисоботлар

57. Ўзбекистон иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш муаммолари: назария ва амалиёт / Муаллифлар жамоаси: Р.О. Алимов,

А.Ф. Расулев, А.М. Қодиров ва бошқалар // С.С. Фуломов таҳрири остида. – Т.: Konsauditinform-Nashr, 2006. 26б.

58. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011.

VII. Интернет сайтлари

59. www.mineconomy.uz (O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot vazirligi)

60. www.mehnat.uz (O‘zbekiston Respublikasi Mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirligi)

61. www.mf.uz (O‘zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi)

62. www.stat.uz (O‘zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo‘mitasi)

63. www.ima.uz (O‘zbekiston Respublikasi Intellectual mulk agentligi)

64. www.academy.uz (Fanlar akademiyasi)

65. http://www.glossary.ru/cgi-bin/gl_sch2.cgi?RSluwoo!suklwtong.oo

66. <http://ekonomic.doco.ru/?id=797665467>.